

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**КРЕДИТ-ИҚТИСОД ФАКУЛТЕТИ**

**„БАНК ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ**

**ОЙМАТОВ МАЪРУФ МАНСУРОВИЧ**

**“БАНК АКТИВЛАРИ ТАРКИБИ ВА УНИ  
ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГАҲАМИЯТИ”**

**5230700 – „Банк иши” таълим йўналиши бўйича**

**бакалавр даражасини олиш учун ёзилган**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

\_\_\_\_\_ к.ўқ. М.Кенжаев

2013йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_

**ТОШКЕНТ - 2013**

## Мундарижа:

<b>КИРИШ</b> .....	3-5
<b>I.БОБ. Тижорат банклари фаолиятида активлар таркиби ва диверсификациялашнинг моҳияти</b> .....	6-28
1.1. Тижорат банклари фаолиятида активлар таркиби ва уларнинг аҳамияти.....	7-17
1.2. Тижорат банклари фаолиятида диверсификациялашнинг моҳияти.....	18-28
<b>II. БОБ. Тижорат банкларининг активлари таркиби ва уларни диверсификациялашнинг амалий ҳолатини таҳлили</b> .....	29-40
2.1. Тижорат банкларининг активлари таркибини таҳлили.....	29-35
2.2. Тижорат банкларининг активларини диверсификациялаш ҳолатини таҳлили.....	36-40
<b>III. БОБ. Тижорат банклари активларини самарали бошқариш ва уларни диверсификациялашнинг такомиллаштириш истиқболлари</b> .....	41-60
3.1. Тижорат банклари активларини самарали бошқаришнинг такомиллаштириш истиқболлари.....	41-52
3.2. Хорижий банк амалиётида банк активлари таркиби ва уларни диверсификациялаш масалалари.....	53-60
<b>Хулоса</b> .....	61-63
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	64-68

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Эркин бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатиш тижорат банкларида етарли ресурс маблағлари бўлишини, мавжуд маблағларни энг кам таваккалчилик асосида жойлаштириб юқори даромад олиш талаб этилади. Тижорат банклари фаолиятининг даромад олиш имкониятлари молиявий ресурсларга боғлиқдир. Молиявий ресурслар, уларнинг таркибида банк активлари ва асосан даромад келтирувчи активлар муҳум аҳамиятга эга. Шунинг учун уларнинг таркибини ўрганиш ва бошқаришнинг такомиллаштириш долзарб масаладир.

Тижорат банкларининг активлари ва уларнинг самарали бошқарилиш масаласи тўлиқ ўрганилиб амалиётга тадбиқ қилинмаган. Шунинг учун ҳам тижорат банкларининг активлари билан боғлиқ рискларни камайитиришда ва банкнинг максимал фойда олишини таъминлашдаги асосий омиллардан бўлган активларни бошқариш масаласини ўрганиш ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан биридир.

Банкларда барқарор ресурс базасини шакллантириш ва уни янада кенгайтириш, аҳолини бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада рағбатлантириш ва кафолатлашга доир қабул қилинган Президентимизнинг қатор Фармон ва Қарорлари аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Натижада тижорат банкларнинг жами капитали 2012 йилда 24.3 фоизга ошиб 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига 6.2 трлн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми 2012 йил бошига нисбатан 31.5 фоизга ошди. Жумладан, аҳолининг банклардаги омонатлар ҳажми 34.6 фоизга ўсди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов „2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари“ га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан.

**Битирув малакавий ишининг асосий мақсади ва вазифалари.**

Тижорат банкларининг активларини таркиби ва уларни диверсификациялаш ҳамда уларни бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш. Шунингдек, мавзуни амалий, назарий ва илмий жиҳатдан ўрганиш асосида муаммоларни бартараф этиш.

Қўйилган мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги вазифаларнинг илмий ечимларини асослаб берилиши тақозо этилади:

- Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларини бошқаришнинг амалдаги ҳолатини таҳлил этиш;
- Тижорат банклари активлар портфелини сифати ва ишончлилигига баҳо беришнинг ретинг тизимининг ишлаб чиқиш;
- Тижорат банклари активларининг рисклилик даражасини ўрганиш асосида уларни камайтириш ва банклар фаолияти самарадорлигини оширишни асослаб бериш;
- Тижорат банклари активларининг рискларини бошқариш ва диверсификациянинг иқтисодий моҳиятини асослаб бериш.

**Битирув малакавий ишининг назарий ва амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишининг назарий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар, Республика Марказий Банкининг йўриқномалари ва фармойишлари.

Шунингдек, Ўзбекистонлик ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларининг активлари ҳамда уларни бошқаришга оид илмий изланишлари ва тижорат банкларининг ҳисоботларидан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари, таркиби ва уларни самарали бошқарилишини ўрганиш.

**Битирув малакавий ишининг таркиби** кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхати каби қисмлардан иборат.

Битирув малакавий ишининг кириш қисмида тижорат банклари активлари таркиби ва уларни диверсификациялаш банклар фаолиятида муҳум аҳамиятга эга эканлиги ва долзарблиги асослаб берилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида тижорат банклари фаолиятида активлар ва уларни диверсификациялашнинг моҳияти ёритилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида активлар ва уларни диверсификациялашнинг амалдаги ҳолати амалий маълумотлар асосида таҳлил қилинган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида - Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активларини самарали бошқариш ва уларни диверсификациялашни такомиллаштириш масалалари хорижий банклар тажрибалари билан таққослаб тегишли хулоса ва тавсиялар берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида мавзуни мукаммал ўрганиш жараёнида илмий ва амалий изланишлардан келиб чиқиб билдирилган хулосавий фикр ҳамда тавсиялар ўз ифодасини топган.

## **I. БОБ. Тижорат банклари фаолиятида активлар таркиби ва диверсификациялашнинг моҳияти**

### **1.1. Тижорат банклари фаолиятида активлар таркиби ва уларнинг аҳамияти**

Тижорат банкларининг ресурслари таркибида бўладиган ўзгаришлар бевосита уларнинг актив операциялари сифатига, яъни активлар диверсификациясига катта таъсир кўрсатади. Чунки тижорат банкларининг жалб қилинаётган маблағларининг муддатларидан келиб чиққан ҳолда банк ушбу маблағларни даромад олиш мақсадида актив операцияларга жойлаштиради. Тижорат банкларининг ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, жалб қилинаётган ресурслар сифати ҳам шу йўсинда ўзгариб боради.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар банклар фаолиятини бошқаришни такомиллаштиришни ва улар фаолиятидаги юзага келадиган рискларни камайтиришни талаб қилади.

Ана шундай, бир пайтда банк фаолиятининг асосий омили бўлган банк активларини бошқариш муаммоларини ўрганиш, бу соҳада хориж тажрибаларини ўрганиб, ўз шароитларимизга мослаштириб амалиётга қўллаш банклар фаолиятини ҳозирги замонга мос равишда ривожлантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Банк активлари - бу банкка тегишли ҳамда моддий қийматга эга бўлган қийматликлар, нақд маблағлар, қарзларга берилган маблағлар, бинолар ва асбоб-ускуналардан ташкил топади. Булардан ташқари банкда номатериал активлар ҳам мавжуд бўлиб, булар ўзларининг моддий шаклига эга бўлмайдилар, аммо банкнинг асосий фаолиятида фаол иштирок этади. Банк самарали фаолият кўрсатиши учун ўзининг активларининг таркиби тўғри белгилаб олиши ва улардан оқилона фойдаланиши керак бўлади.

Ҳар қандай банк ҳам ўзининг активлари таркибини самарали шакллантиришда маълум бир муаммоларга учрайдилар. Банк активларининг сифати, активларнинг мақсадга мувофиқ тўзилишига, ликвидлилигига, актив операцияларнинг диверсификациясига, рискли активларнинг ҳажмига, муаммоли ва сифатсиз активларнинг салмоғига ва активларнинг ўзгаривчанлик сифатларига боғлиқ.

Ликвидлилик даражаси бўйича активлар 3 та асосий гуруҳга булинади:

*1. Юқори ликвидли активлар* — бу молиявий активлар, бир неча кун ичида оладиган ёки тезда реализация қилиб пул маблағларига айланидаган активлар тушунилади. Буларга Кассадаги пул маблағлари, Марказий банкдаги корсчетадаги маблағлар ҳамда етакчи ривожланган банкларида вакиллик ҳисобрақамдаги маблағлар.

*2. Ликвидли активлар* — бунга ўртача даражадаги ликвид активлар киради. Булар – 30 кун ичида реализация қилинадиган ва пулга айланадиган активлар киради. Қисқа муддатли активлар, тез сотиладиган векселлар ва бошқа қисқа муддатли қимматли қоғозлар, ҳукуматнинг қимматли қоғозлари киради.

*3. Паст ликвидли активлар* — қийинчилик билан пулга айланадиган активлар, буларга: ўзоқ муддатли кредитлар, инвестициялар, қийин сотиладиган бино ва иншоотлар ва муддати ўтган қарзлар киради.

Тижорат банклари фаолияти давомида ўзининг активларини мақсадга мувофиқ жойлаштириб банк ликвидлилик талабларини бажариши керак ҳамда ўзининг мажбуриятлари суммасидан келиб чиқиб лаҳзалик, жорий ва ўзоқ муддатли ликвидлилик меъёрларини бажариши керак.

Банк доимий тарзда ўзининг ликвидлилигини маълум бир даражада сақлаши керак, яъни ўзининг тўловга қобиллигини шубҳа остида қолдирмаслиги керак. Ликвидликка бўлган талаб активлардан келадиган даромадни ошириш фаолиятига маълум даражада қарши туради. Банк портфелида сақланадиган активлар қанчалик даражада ликвидли бўлса,

шунчалик улар билан боғлиқ риск кичик бўлади, аммо шунга жавобан уларга тўланадиган фоиз ҳам шунчалик кам бўлади.

Банкда ликвидлиликни икки хил йул билан таъминлаш мумкин:

Ортиқча ликвидли активларни йиғиш орқали;

Жахон амалиётида кенг қулланилиб келаётган усул — ликвидлиликни кам даромад келтирувчи ва тез сотилувчи қимматли қоғозларга инвестициялашдир.

Белгиланган тўловга қобиллик доирасидан чикмаган ҳолда активларга жойлаштирилган капиталдан даромадни ошириш, банкда бошқариш санъатини белгилайди.

Банк амалиётида активларнинг даромад келтириши ёки келтирмаслигига қараб қуйдагиларга бўлинади:

1. Тижорат банкларининг даромад келтирадиган активлари.

2. Тижорат банкларининг даромад келтирмайдиган активлари

Тижорат банклари фаолиятининг асосий пировард мақсади — даромадни максимал даражада олишдан иборатдир. Шу нуқтаи-назардан олганда, банк активларининг даромадлилигини баҳолаш муҳим аҳамият касб этади. Тижорат банклари активлари уларнинг даромадлилиги нуқтаи-назаридан қуйидагича таснифлаш мумкин:

*1. Даромад келтирувчи активлар.* Даромад келтирувчи активларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга. Улар кредит салохиятининг асосини ва банкнинг ссуда портфелини ташкил этади.

Даромад таҳлили сифат кўрсаткичига нисбатан миқдор кўрсаткичига кўпроқ тегишлидир, шу сабабдан у банк фаолиятини баҳолашда катта аҳамиятга эга. Банк капиталини ошириш ва кредит потенциалини мустаҳкамлаш унинг мустаҳкамлигига боғлиқдир. Банкнинг даромади, асосан, кредитлар бўйича фоиз ставкаси, кредит қўйилмалари ҳажми ва банк ликвидлиликка боғлиқ. Банк даромадларини қуйидаги манбалардан олади:

- кредит операциялардан;



- қимматли қоғозлар билан операциялардан;
- фоизсиз даромадлардан;
- мулкни ва бошқа активларни сотишдан;

Тижорат банки активларининг асосий қисмини, одатда мижозларга бериладиган кредитлар ва банклараро кредитлар ташкил этади. Банк амалиётида кредитдан оладиган даромадлари бошқа активлардан келадиган даромадларга нисбатан жами даромаднинг асосий қисмини таъминлайди. Банк кредити иқтисодиётда кредит муносабатларининг кенг тарқалган шакли бўлиб, бунда пул маблағлари кредит объекти бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, тижорат банкларида даромад келтирувчи активлар қаторида кредитлардан ташқари, қимматли қоғозлар, чет эл валютасига жалб қилинган маблағлар ҳам мавжуд.

*2.Даромад келтирмайдиган активлар.* Бундай активлар гуруҳига касса, Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб варағидаги маблағлар, асосий воситалар киради. Банк активлари ҳажмида даромад келтирмайдиган активлар салмоғини юқори бўлиши банкнинг ресурслар базасида самарасиз ликвидлилик даражаси кўтарилади.

Банкка даромад келтирувчи ва даромад келтирмайдиган активларни таҳлил қилиш, уларнинг функциялари иқтисодий шароитга боғлиқ ҳолда улар таркибини ўзгартириб туриш кераклиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон бермоқда. Иқтисодий беқарорлик шароитида активларнинг кўпгина қисми ҳаракатдаги активларнинг элементларига айланади. Агар тижорат банклари ўзларининг баланслари таркибини ўзгартирмаса, бу сўзсиз янги инқирозларга олиб келади.

Активлар сифати қуйидаги омиллар билан аниқланади:

- -активлар таркибининг пассивлар таркибига мувофиқ келиши;
- -активларнинг ликвидлиги;
- -активларнинг даромадлиги;
- -активлар диверсификацияси;

■ - рискли активларнинг ҳажми ва улуши

Банкнинг асосий вазифаларидан бири, бўш пул маблағларини мумкин қадар кўпроқ жалб қилиш ва уларни бошқа фойда келтирувчи оптимал активларга жойлаштиришдан иборат.

Банк ресурслари банклар томонидан амалга ошириладиган пассив операциялар орқали ташкил топади ва банк балансининг пассив қисмида юритилади. Банк ресурсларини иккита катта гуруҳга бўлиши мумкин. Булар банкнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлардан иборат. Жалб қилинган ресурслар айрим ҳолларда иккига бўлинади. Бу жалб қилинган депозитлар, бошқа мажбуриятлар ва сотиб олинган ресурслар ҳисобланади. Ушбу ресурслар банкнинг актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади, яъни банк ресурслари даромад олиш мақсадида турли соҳаларга жойлаштирилади. Банкнинг пассив ва актив операциялари ўзаро боғлиқ бўлганлиги учун пассивларнинг таркиби ҳамда характери кўп жоҳатдан банкларнинг актив операцияларини амалга оширишда ўз ифодасини топади. Шу билан бир қаторда ресурслар характериға банкларнинг кредитлаш сиёсатининг ўзгариши таъсир қилади.

Бозор муносабатлари шароитида тижорат банкларининг ресурсларини ташкил қилиш жараёниға катта аҳамият берилади. Шу сабабли барча мамлакатларда тижорат банклари ресурсларини шакллантириш тизими муҳум аҳамиятға эға бўлади. Банкларда мавжуд бўлган маблағлардан фойдаланиш имкониятиға қараб банк ресурслари хусусий ресурслар ва қарз ресурсларға бўлинади.

Умуман олганда банклар томонидан ташкил қилинган ресурс базаси турли хил кредитлар ва инвестицияларни ҳамда бошқа актив операцияларни амалга ошириш учун мақсадға мувофиқ равишда жойлаштирилади. Ресурсларни мақсадға мувофиқ жойлаштирилиши банк фаолияти ва иқтисодиётимиз учун ижобий аҳамиятға эғадир.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишни муҳим устивор йўналиши бўлиб, унинг барқарорлигини таъминлаш ҳисобланади. Айнан банк тизимининг барқарорлиги иқтисодиётнинг банк кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш, тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади.

Тижорат банклари фаолиятида активлари муҳум аҳамият касб этади.

Охириги йилларда Республикамизда тижорат банкларининг активлари миқдори ошиб бормоқда.

**1 – жадвал**

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари, кредитлари, депозитлари ва капитали (млрд.сўм.)<sup>2</sup>.**

т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2007	2008	2009	2010	2011
1	Активлари	9276	12064	15703	20739	27453
2	Кредитлари	4757	6374	8558	11539	15652
3	Депозитлари	3829	5771	8703	13236	18042
4	Умумий капитали	1502	2104	3010	4100	5334

1-жадвалдаги маълумотлар шундан далолат берадики, 2007-2011 йилларда республикамиз тижорат банкларининг кредит қўйилмалари юқори ўсиш суръатига эга эканлигини кўрамиз. Бу эса уларни активларининг ушбу даврларда барқарор суръатларда ўсишини таъминлашда муҳум роль ўйнаган. Чунки, кредитлар тижорат банкларининг активлари ҳажмида етакчи ўринни эгаллайди.

Банкларнинг молиявий воситачилик ролини ошириш тижорат банклари активларини, кредит портфелларининг ўсишини ва сифатини яхшилашни таъминлаш банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолади.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик маълумотлари..2012 йил

Ўзбекистон Республикасида банк активлари сифати бўйича қуйдаги тартибда таснифланади:

**2-жадвал**

**Банк активларининг сифат бўйича таснифланиши<sup>3</sup>**

№	Активлар	Заҳиралар
1	Яхши	0 %
2	Стандарт	10 %
3	Субстандарт	25 %
4	Шубҳали	50 %
5	Умидсиз	100 %

Активларни таснифлаш тизими барча турдаги кредитлар, жумладан, банк кафолатлари, кредит линиялари, банклараро кредитлар, овердрафтлар учун қўлланилади ва баланسدан ташқари мажбуриятларни таснифлашни кўзда тутади.

Мазкур тизим бошқа банк активлари, жумладан, инвестициялар, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, олишга доир ҳисоварақлар, учинчи шахслар номидан мажбуриятларни бажариш бўйича сотиб олинган талаб қилиш ҳукуки ва қайтарилмаслик хатари мавжуд бўлган бошқа активларни баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин.

Кредитни таснифлаш тизими қуйидаги мезонлар бўйича қарздорни баҳолашдан бошланади:

- тенденция ва тармок (иқтисодий сектор) келажаги;
- қарздорнинг молиявий аҳволи;
- миқдорнинг кредит тарихи;
- муайян лойиҳанинг иқтисодий жиҳатдан асосланиши (низоми);
- корхонадаги раҳбарлик ва бошқариш сифати (агар кредит корхонага берилса).

---

<sup>3</sup> МБнинг 242-сонли “активларни таснифлаш тўғрисида” ги низоми

Кредит таҳлили ва активлар таснифи натижалари қарз олувчининг молиявий аҳволи, кредитларни тўлаш тарихи ва тегишли тарзда расмийлаштирилган гаровнинг мавжудлиги каби омилларга боғлиқ. Ушбу омилларни кредит портфели ва тижорат банкининг бошқа активларига хос бўлган таваккалчиликни аниқлаш ва баҳолашда қўллаш жуда муҳимдир.

Банк активлари қуйидаги тартибда ва тоифалар бўйича таснифланади:

Яхши. Ушбу активлар бўйича қарзларнинг ўз муддатида тўланиши шубҳа тугдирмайди. Қарз олувчи молиявий жиҳатдан барқарор ҳисобланади, у етарли миқдорда капиталга, юқори даромадлилик даражасига ҳамда барча мавжуд мажбуриятлар, жумладан, мазкур қарзни кондириш учун етарли пул маблағлари оқимига эга. Қарз олувчи амалда бажариладиган, жумладан, бозорда рақобатлаша олиш, яхши маҳсулот ишлаб чиқаришга доир стратегик режани такдим этади ва ўз маҳсулотлари учун маркетинг режасига эга бўлади. Қарздор мавқеини баҳолаш кредитга доир тўловлар тарихи, гаровнинг бозорда сотилиши (мулк ва кўчмас мулк, кафолат) каби омилларни ўз ичига камраб олади. Гаров "яхши таъминланган" кредит мезонларига мос келади. Гаров амалдаги қонунчиликка мувофиқ нотариал жиҳатдан пухта тасдиқланган бўлиши ва зарур ҳолларда тегишли мулк битимини рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатга олинishi лозим. Банк кредит кайтарилмаган ҳолда чекловларсиз ва эркин равишда уни гаров ҳисобидан ундириб олиши мумкин. Таъминотга доир такдим этилаётган барча ҳужжатлар қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилиши керак.

"Яхши" деб таснифланган кредитларда улар кайтарилмаслиги аломатлари бўлмайди. Фоизлар муддати ўтган ссудалар "Яхши" деб таснифланиши мумкин эмас.

Стандарт. Стандарт тоифага киритилган активлар берилишида иккиламчи тўлов манбаси (кафолат ёки гаров билан) пухта таъминланган бўлиши лозим. Умуман олганда қарздорнинг молиявий аҳволи барқарор ҳисобланади, лекин айрим ноқулай вазиятлар ёки йўналишлар мавжуд бўлиб,

агарда улар бартараф этилмаса, қарздорнинг кредитни ўз вақтида тўлаш қобилиятига нисбатан шубҳа уйғониши мумкин. Шу билан бирга молиявий аҳвол ёки гаровни назорат қилиш борасида бир мунча шубҳалар бўлиши мумкин. Кредит ҳужжатларида етарлича ахборот бўлмаган ёки гаров таъминоти бўйича ҳужжатлари бўлмаган "Яхши" кредитлар (активлар) ҳам "Стандарт" активлар сифатида таснифланиши мумкин. Тўланмаган фоизлари янги кредитга айланадиган (капиталлаштириладиган) кредит ҳеч бўлмаганда "Стандарт" актив сифатида таснифланиши зарур. Қисқа вақт мобайнида (30 кунгача) кечиктирилган кредитлар "Стандарт" активлар сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Бирок, кечиктирилиш мақоми активнинг таснифланишини баҳолашда асосий омил бўлмаслиги лозим. "Стандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича банк қайтарилмаган асосий қарз суммасининг 10 фоизи миқдорида заҳиралар тўзиши шарт.

Субстандарт. Субстандарт активлар аниқ ифодаланган қамчиликлар белгиларига эга бўлиб, бу ҳолат дастлабки шартномага мувофиқ қарз қайтарилиши шартларининг бажарилишига шубҳа уйғотади. "Субстандарт" сифатида таснифланган кредитларда қарз тўлашнинг дастлабки манбаи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарли даражада бўлмайди ва банк қарзни қайтариш учун қўшимча манбалар (гаровдан ундириш ва қарздор томонидан ссуда қайтарилмаганда гаровни сотиш, асосий фондларни сотиш сингари манбалар)ни кидиришга мажбур бўлади, Шунингдек субстандарт активлар ишончли жорий молиявий аҳвол ва қарз олувчининг тўлов қобилияти билан ҳимояланмаган. Субстандарт активлар одатдагига нисбатан қоникарли жорий молиявий ахборотнинг йўқлиги ёки гаров ҳужжатларининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлган таваккалчилик даражаси анча юқори бўлган кредитларни ифодалайди. Улар бўйича фоизлар ёки асосий қарз 30 кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган таъминланмаган кредитлар, ҳеч бўлмаганда, субстандарт сифатида таснифланиши зарур, шунингдек, 90

кундан ортиқ муддат давомида кечиктирилган таъминланган кредитлар ҳам субстандарт сифатида таснифланиши лозим.

Шунингдек қуйидаги муаммо ёки хусусиятлардан камида биттаси мавжуд бўлса, актив тўлов муддати тўлгунича субстандарт сифатида таснифланиши мумкин:

а) асосий тўлов манбалари қарз тўлаш учун етарли эмас, банк гаровга кўйилган мулкни сотиш, қарз олувчининг бошқа асосий маблағларини сотиш, тўланиши лозим бўлган бошқа қарз маблағларини қайта молиялаш кабиларни ҳисобга олган ҳолда кўшимча тўлов манбаларини топиши керак;

б) қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган окими мажбуриятларни коплаш учун етарли бўлмаган ҳолларда;

в) қарз олувчи капитали кўп даражада етарли бўлмаган корхона бўлган тақдирда;

г) ушбу соҳага нисбатан йўналиш ва истикболлар барқарор бўлмаган ҳолда;

д) кредитлар (активлар), гаров киймати асосий қарз суммасидан ошмаган, ҳеч бўлмаганда асосий қарзнинг тўланмаган суммасига тенг бўлган ҳолда (яъни кредит қисман таъминланган бўлса).

"Субстандарт" сифатида таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 25 фоизига тенг бўлган захираларни шакллантириши лозим.

Шубҳали кредитлар субстандарт деб таснифланувчи кредитларга хос барча хусусиятларга эга бўлиб, мавжуд шароитда активларнинг тўлик қайтарилишини шубҳа остига кўяди ва кам ишончли қилиб кўяди. Зиён кўриш эҳтимоли юқори бўлган, лекин айрим ижобий омиллари мавжуд бўлган ушбу кредитлар шароит ойдинлашгунча "шубҳали" деб таснифланмайди.

Қуйидаги омилларнинг камида биттаси мавжуд бўлса, актив "шубҳали" деб, таснифланиши мумкин:

а) "субстандарт" активларнинг ҳеч бўлмаганда биронта кўрсаткичи, шунингдек айрим бошқа нокулай тавсифлари мавжуд бўлса (бозорда осон сотилувчан гаровнинг мавжудлиги ёки қарз олувчининг банкрот деб эълон қилиниши);

б) яқин келажакда активнинг қисман тўланиши эҳтимолининг мавжудлиги, шунингдек ушбу пайтда активнинг "умидсиз" деб таснифланиши зарур эмаслиги.

Активни "умидсиз" деб таснифлашга имкон берувчи муҳим омилларга қуйидагилар киради:

- банк активлар бўйича айрим тўлов турларини ёки ҳеч бўлмаганда, қисман тўловларни олади;

- банк гаровни ундириб олиш бўйича ҳуқуқий хатти-ҳаракатларни қўллай бошлайди ва таъминот сотувини ўз вақтида амалга оширади (90 кун ичида);

- қарздор томонидан кейинчалик активни тўлик таъминлайдиган қўшимча таъминотни такдим этиш ҳаракатларининг амалда бошланиши.

"Шубҳали" деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарз тўланмаган суммасининг 50 фоизи миқдорида захирани ташкил этиши шарт.

Умидсиз деб таснифланган кредитларга қайтарилмайдиган кредитлар киради. Киймати жуда пастлиги туфайли банк активлари сифатида уларнинг ҳисобини юритиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисобланади. Бундай таснифлаш кредитларда умуман ҳеч Қандай тугатиладиган киймат мавжуд эмаслигини билдирмайди. Лекин банклар ўз балансларида бу қарздорликнинг ҳисобини юритишни давом эттиришлари мақсадга мувофиқ эмас. Банк гаровга олинган мулкни сотиш орқали бундай қарздорликни бартараф этиш чораларини кўриши ёки уни қайтариш чораларини қўллаши керак.



Камида 180 кунга кечиктирилган актив "умидсиз" деб таснифланади.

Юқорида кўрсатилган давр мобайнида актив қайтарилмаслигидан далолат берувчи фактлар ва белгилар мавжуд бўлса, ушбу актив "умидсиз", деб таснифланиши мумкин.

Умидсиз деб таснифланган активлар бўйича банк асосий қарзнинг тўланмаган суммасининг 100 фоизи миқдорида заҳиралар яратиши керак.

Актив бир тоифадан ортиқ тоифаларда таснифланиши мумкин. Суммаси асосий қарзнинг тўланмаган кийматидан кам бўлган таъминотга эга муаммоли ссуда қуйидагича таснифланиши мумкин (таъминот сотилиши мумкин бўлган бозор мавжудлиги шarti билан):

- киймати таъминотнинг бозор кийматига тенг бўлган асосий қарз қисми одатда субстандарт сифатида таснифланади;

- асосий қарзнинг қолган қисми ушбу бўлимда кўрсатилган тартибда шубҳали ёки умидсиз каби таснифланади.

*Жойлаштириш муддатига кўра:*

- -муддатсиз активлар;
- -муддатли активлар:
  - а) қисқа муддатли активлар
  - б) ўзоқ муддатли активлар.

Активларни баҳолаш тизимлари. Тижорат банклари активлари, ўзоқ муддатли стратегик режалаштиришда муҳим рол уйнайди.

Тижорат банклари активларини таҳлил қилиш учун муаммоли кредитларни таснифлаш асосида берилган ссудалар ва бошқа активларни баҳолаш зарур. Активларни андозавий, шубҳали ва зарар келтирадиган турларига таснифлаш тизими барча активлар рейтингини миқдор жихатдан аниқлаш, шунингдек, кредитлардан зарар куриш ҳолларига мулжалланган заҳиралар етарлилигини баҳолаш имконини беради. Асосан ўзоқ муддатли ссудалар, нақд пуллар ва вакиллик ҳисоб варақлари, ссуда ва бошқа активлар ҳолатига эътибор қаратилади.

## 1.2. Тижорат банклари фаолиятида диверсификациялашнинг моҳияти

Диверсификация сўзи бизнинг амалиётимизда шу яқин орадан буён қўлланила бошлаган замонавий ибора бўлгани учун биз унинг моҳиятини чуқурроқ очиб беришга қарор қилдик. Зеро бу сўзнинг моҳиятини тўғри тушиниш, уни амалиётда қўллай олиш ҳар бир ҳуқуқий шахс фаолиятининг самарадорлигини ошириш мумкин.

Буюк француз олими ва файласуфи Ренэ Декарт (1596 – 1650) шундай деган эди: Ўзингиз ўрганаётган муаммони кўлингиздан келганича ва сизга керагича бўлимларга бўлиб чиқинг, токи сизга уни ҳал этиш осон бўлсин. Муаллифнинг бу тавсияси бизнинг татқиқот қилаётган масаламизга мос келгани учун биз бу фикрни келтирдик. Биз изланишларимиз асосида масалани ойдинлаштириш мақсадида куйдаги йўналишларга тўхташ зарур деган хулосага келдик. Аввалом бор диверсификация бу ўзи нима?

Диверсификация сўзи латинча сўз бўлиб “*diersus*” ҳар – хил, + *sasere* - қилиш, яъни хиллаштириш, турли – туманлаштириш деган маънони билдиради<sup>4</sup>. Мавжуд адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, диверсификация сўзининг моҳияти кўпгина муаллифлар томонидан турлича талқин қилинади.

Ҳар бир соҳани таҳлил қилганда диверсификациянинг шу соҳага таълуқли томонини кўриб ўтишига ҳаракат қилинади. Баъзи олимлар диверсификацияни бозор топиш мақсадида фирмаларнинг асосий фаолиятидан ташқари иш олиб бориш соҳадаги маркетинг фаолиятининг стратегияси сифатида қарашади.

Масалан, Коноплицкий В. ва Филина А. Ларнинг фикрича “Диверсификация - фирманинг асосий фаолиятидан ташқари янги фаолият турини ўзлаштириш борасида олиб борадиган янги маркетинг

---

<sup>4</sup>Экономический словарь. М.: Консалт. 1996.С. 57

Стратегиясидир<sup>5</sup>”. Диверсификация даражаси фирманинг асоайи ва қўшимча фаолият турлари объектлари орасидаги нисбати фирманинг тармоқлар миқёсида мустақил фаолият турлари мавжудлиги билан ўлчанади. Диверсификациянинг мақсади бозор конъюктураси ўзгаришини ўз вақтида илғай олиш ва корхонанинг иқтисодий фаолиятини барқарорлаштиришдан иборат.

Коноплицкий В. ва Филина А. ларнинг берган таърифи фирмалар фаолиятини бошқаришда уларнинг бозорда бўладиган ўзгаришлар: конъюктура ўзгариши, янги техника ва технология, фан ютуқларини жорий қилиш жараёнларини инобатга олган ҳолда фаолият кўрсатиши лозимлиги таъкидланади<sup>6</sup>. Бу муаллифлар томонидан берилган таърифда диверсификацияга корхонанинг асосий фаолиятдан ташқарида олиб борилувчи жараён сифатида, иккинчи даражали фаолият қобилида қаралади. Бизнинг фикримизча, диверсификациялаш усулини асосий фаолиятдан ташқарида эмас, балки асосий фаолиятни амалга ошириш жараёни давомида қўллаб бозорни ўрганиб, усулларни амалга ошириб бориш фирма фаолиятини самарадорлигини таъминлашга олиб келиши мумкин.

Америкалик иқтисодчи Фредрик С. Мишкин “Диверсификация - бу бирдан ортиқ активга эга бўлишдир”<sup>7</sup>, деган қисқача таърифни беради. Диверсификацияга берилган бундай таъриф бизнинг фикримизча, асл моҳияти жиҳатдан бошқа муаллифларнинг фикларига нисбатан ошиқроқ бўлса-да, унинг моҳиятини чеклаган ҳолда бир тамонлама ифодалайди. Махсус адабиётларда диверсификация сўзи рискни камайтириш мақсадида олиб борилаётган фаолият бўлиб – бўлиб, босқичма – босқич

---

<sup>5</sup>Конплицкий В, Филина А.“ Это-бизнес толковый словарь экономических терминов”,Киев “Альтепрес”,1996й,69-б.

<sup>6</sup>.Конплицкий В, Филина А.“ Это-бизнес толковый словарь экономических терминов”,Киев “Альтепрес”,1996й,70–б.

<sup>7</sup>Фредерик С. Мишкин. “ Пул, банк иши ва молия бозори иқтисоди ”. Т. 1999 йил.

майда бўлакларга бўлиб олиб бориш, таҳлил қилиш деган маънони билдиради деган хулосаларни учратиш мумкин. Шу жиҳатдан проф. Л.Лопатников томонидан берилган таъриф диверсификация тушунчасини кенгроқ очиб беришга қаратилган деб ўйлаймиз. Унинг фикрича “Диверсификация, бу - инвестиция ва бошқа ресурсларни турли хил товарлар ишлаб чиқариш ва ҳар хил хизматлар кўрсатиш соҳалари бўйича фаолият кўрсатувчи йўналишларга тақсимлаш орқали фирманинг рискинни камайтириш стратегиясидир. Юқори диверсификацияланган фирмалар конгломерантлар дейилади”<sup>8</sup>.

Рискни камайтириш мақсадида инвестиция ёки бошқа маблағларни бир неча йўналишлар бўйича тақсимлаб чиқиш деб таърифлаш диверсификация моҳиятини тўлиқ бўлмасда бошқа келтирилган фикрларга нисбатан аниқроқ ифодаланиши мумкин. Диверсификациянинг моҳиятини очиб беришда иқтисодчи Мишкевич М. В. томонидан келтирилган таъриф проф. Л.Лопатниковнинг фикрига мос келмаслиги билан ажралиб туради. Унинг фикрича диверсификация бу корхонани қайта ихтисослаштириш, ишлаб чиқаришга мослаштиришдан иборат деб таърифлайди. “Диверсификация - бу корхонанинг фаолият соҳасини ўзгартириш: ишлаб чиқаришни майдалаштириш, корхон аларни аҳоли эҳтиёжи учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ўтказишдир”<sup>9</sup>.

Баъзи иқтисодиётчилар томонидан банк фаолиятида диверсификацияга бир томонлама таъриф берилганлигини учратиш мумкин. Масалан, В. Коноплийкий, А. Филина “ Банк диверсификацияси бу:

- кредит рискинни қисқартириш;
- ссуда портфелини мувофиқлаштириш мақсадида банк активларини имконияти борича кўп сонли мижозлар ўртасида

---

<sup>8</sup>Лопатников Л. “ Экономика – математический словарь” М. АВ.Ф 1996,124 б

<sup>9</sup>Мишкевич М.В. и др. “ Словарь – справочник по современной экономике”. Минск, “ Высшая школа”,1998,48б.

тақсимлаш демакдир”, деган таърифни беришади.

Диверсификация сўзини фақат корхона, фирмалар фаолияти билан боғлиқ деб тасаввур қилиш ва ифодалаш бу сўзни моҳиятини очишда маълум бир чегараланишларга олиб келишини кўрсатмоқда.

Бизни фикримизча, диверсификация усули нафақат фирма фаолиятида балки иқтисодиётнинг барча соҳаларида, барча ҳуқуқий ва жисмоний шахслар фаолияти давомида, улар фаолиятида мавжуд рискларни камайтириб, маълум самарадорлик ва юқори даромад олиш усули сифатида қўлланилиши мумкин.

Шу боис диверсификациянинг умуман моҳиятини ва тадқиқот қилинаётган соҳа бўйича бу усулнинг қўлланилиш имкониятини кўриб чиқишса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банк ишида диверсификациялашни қўллаш масаласига келсак банк фаолиятининг турли соҳалари учун диверсификация усули мос келади. Бу усулни қўллаш банкларнинг пассив, актив, воситачилик ва бошқа операциялари соҳасида қулай келиши мумкин.

Банк фаолиятида диверсификация ўтказиш фақат банк активларни жойлаштиришни ўз ичига олмасдан банкнинг барча фаолияти билан боғлиқ жараёнлардаги рискларни камайтириш соҳасида қўлланиладиган усул бўлиб, уни нафақат банк активларини жойлаштириш бўйича, балки банклар томонидан ресурсларни жалб қилиш, мижозларнинг ўрни, банкнинг умумий стратегиясини олиб бориш ва бошқа соҳаларда ҳам қўллаш мумкин.

Шу сабабли диверсификациянинг банк ишида ишлатилиши бу банкнинг пассив операцияларида банк жалб қиладиган маблағлар турли тармоқлар, кўп сонли жамғармачилар томонидан бўлишини тақазо қилса, банк актив кредит, инвестициялаш операцияларини бажарганда пул маблағларини турли тармоқ, соҳага кам миқдорда кўп сонли мижозларга тақсимлашни кўзда тутаяди. Маблағларни юқоридаги усул билан тақсим

лашдан асосий мақсад маблағларнинг қайтиб келмаслиги билан боғлиқ рискларнинг олдини олиш уларни камайтиришга интилишдан иборат. Банкнинг пассив операциялари бўйича диверсификация ўтказилиши банкнинг кредит потенциалининг мустаҳкамланишини таъминлайди. Банк ресурсларининг асосий суммасининг санокли мижозларга тўғри келиши ва шу мижозларнинг молиявий аҳволининг ёмонлалашуви натижасида уларнинг банкдан кўп миқдорда ўз депозитларини қайтариб олиши натижасида банкларнинг ресурс базасининг камайишига, бу ўз навбатида тижорат банкларининг кредит потенциалининг заифлашувиغا олиб келади.

Пассив операциялар бўйича диверсификациянинг аҳамияти шундаки, бир – бири билан алоқадор бўлмаган турли тармоқдаги мижозларнинг зарур бўлган ҳолларда маблағларни банкдан олиши банкнинг кредит потенциалига катта таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Худди шундай мақсад билан банкнинг кредит – инвестиция операциялари бўйича диверсификация ўтказилади. Кредит ресурсларининг кам миқдорда кўп сонли, турли тармоқларга таллуқли бўлган, бир-бири билан алоқадор бўлмаган соҳаларга тақсимланиши банкни ҳар хил рисклардан, зарар кўришдан сақлайди. Тижорат банкининг сезиларли миқдордаги ресурсларининг бир ёки бир неча мижозлар фаолияти учун йўналтирилиши банк учун жуда катта рискнинг юзага келишига олиб келади. Чунки кўп миқдорда банк ресурсини олган хўжалик субъектининг молиявий аҳволини ёмонлашуви, унинг тўловга лаёқатлиги ва ликвидлилигининг тушиб кетишига, олинган кредитлар ва улар бўйича фоиз ставкаларининг банкга қайтиб тўланишида катта муаммолар туғдириши мумкин. Бу ўз навбатида банкнинг ликвидлилигига, унинг даромадига, келажакда режалаштирилаётган фаолиятини олиб боришга катта таъсир кўрсатиши ва бошқа салбий ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Кредит рискларини камайтиришнинг энг самарали йўлларида бири банкнинг кредит ресурсларини йиғиш ва улардан фойдаланиш бўйича диверсификация ўтказишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда банкнинг кредит портфелининг диверсификацияси – бу банкнинг баъзи мижозлардан кўрган зарарларини бошқа мижозлардан кўрган даромад ҳисобидан қоплаш мақсадида банкнинг кредит ресурсларини кам миқдорда кўп сонли мижозлар ўртасида тақсимланишини тушунамиз. Диверсификациялашни уч хил йўналиш бўйича олиб бориш мумкин. Булар портфел, географик ва кредитларни тўлаш муддатига қараб ўтказиладиган диверсификация турларидир. Банкларнинг кредит портфелини диверсификация қилиш банкнинг кредитларини ҳар хил соҳадаги бир неча мижозлар ўртасида тақсимлашни ўз ичига олади. Диверсификация қилинмаган кредит, инвестиция портфели доимо юқори риск билан боғлиқ бўлади. Тижорат банкларининг активларини диверсификациялаш банк фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди.

Кўплаб банклар активлар портфелида активларни фақат бир тармоққа эмас, балки турли тармоқларга қўйишни ўзларига тамойил қилиб олишлари зарур. Агар бир активдан йўқотишлар бўлса, банк унчалик катта талафотлар кўрмайди, аксинча банк бир соҳага қўйилган бир неча активи бўйича муоммога учраса, унинг аҳволи анча ёмонлашади. Бундай ҳолларда активлар портфелини диверсификация қилиш тамойили қўлланилиши лозим, чунки пропорционал бўлган, бир активдан ортиқ бўлган активларни молиялаштириш, бирор активга қўйилган маблағдан келган зарарларни бошқаларнинг ижобий натижасидан қоплаш имкониятини беради.

Банкнинг кредит портфелини диверсификация қилиш йўли билан кредит портфелини бошқариш банкнинг стратегик режалаштириш жараёни билан узлуксиз боғлиқ.

Диверсификациянинг муҳим хусусиятлари шундаки:

Биринчидан, диверсификация ҳамма вақт рискни ёқтирмайдиган банклар учун қулай келади, чунки у рискни камайтиради;

Иккинчидан, ҳар хил кредит бўйича фойда ҳаракати қанча кам мос келса, рискни камайтириш ҳисобига диверсификациядан шунча кўп наф кўриш мумкин.

Диверсификацияланган портфель – бу риск жиҳатдан бир-бирига боғлиқ бўлмаган кичик кредитлар тўпламини ўзида мужассамлаштиради.

Масалан, тижорат банкининг кредит портфели учта бир хил товар ишлаб чиқарувчи саноат концернига берилган кредитлардан ташкил топган бўлса, бу яхши диверсификация қилинган кредит портфель дейилмайди. Бу портфелда биринчидан, кредитлар сони йирик, иккинчидан, бу корхоналарга берилган кредитлар бўйича рисклар уларнинг бир-бирига алоқадор бўлиб, улар оладиган фойда улар ишлаб чиқарган маҳсулотнинг қийматига боғлиқ бўлади.

Агар кредит портфели ўн бешдан ортиқ мижозга берилган йигирмадан ортиқ кредитдан ташкил топган бўлса, бундай портфел яхши диверсификация қилинган портфел дейилади. Демак, диверсификация талаб даражасида бўлиши учун кўйидаги шартлар бажарилиши лозим:

- портфель кўп сонли нисбатан майда кредитлардан ташкил топиши;
- кредитлар риск жиҳатдан бир-бирига боғлиқ эмас, яъни бирон бир кредит бўйича тўлай олмаслик эҳтимоли бошқа кредит бўйича тўлай олмаслик эҳтимоли билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Диверсификация ёрдамида кредит портфелининг умумий риск даражасини камайтиришга эришиш мумкин. Баъзида алоҳида олинган кредит бўйича риск ўзгармаган ҳолда ҳақиқий олинадиган даромад кутилаётган даромадга тенглашиши мумкин.

Диверсификация мижоз томонидан фоиз ставкасига қўшиб тўланадиган (агар банк менежери уни инобатга олган бўлса) риск бўйича



мукофот суммасини қисқартириши ёки умуман ҳисобга олмасликка шароит яратиши мумкин.

Банклар учун кредит портфелини диверсификациялаш жуда ҳам осон. Юқорида таъкидлаганимиздек кредитни кам суммада турли соҳаларга (саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, бизнес, хорижий миждозларга), жумладан (шаҳар, вилоят, мамлакатларга) турли минтақаларга эришиш лозим.

Тижорат банкларининг маълум соҳалар бўйича ихтисослашуви, шу соҳалар бўйича анъанавий кредитлар бериши – диверсификациялаш усулига тўлиқ мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли бизнинг амалий шароитимизда ихтисослашган банклар ихтисослашув билан диверсификация ўртасидаги муқобил чегарани танламоқлари, зарур ҳолда улардан бирига ён бермоқлари лозим.

Жаҳон банк амалиёти шуни кўрсатадики, 80 - йилларда кўпгина хорижий банклар ўз кредитларининг асосий қисмини нефт саноатини кредитлашга йўналтирганлар. Шу йилларда нефть баҳосининг тушиб кетиши натижасида кўпгина нефть компаниялари ўз кредитларини тўлай олмасдан банкларни банкротликка олиб келган. Кредит портфелини диверсификация қилиб борган банклар нефтни кредитлаш бўйича кўрган зарарларни бошқа соҳадан олган фойдаси ҳисобидан қоплаган.

Бу ҳолда диверсификация сиёсатининг қўлланилмаслиги “ муаммоли кредитлар” нинг “ муаммоли банклар” га айланишига олиб келган.

Банкнинг кредит сиёсатини ва кредит портфеллини таҳлил қилишнинг асосий мақсади – ссуда бўйича асосий қарз ва у бўйича фойзаларни ўз вақтида тўлашга эришишдан иборат. Албатта барча кредитлар бўйича маълум бир сабаб билан тўлай олмаслик шароити юзага келиши мумкин. Агар банк кредитни фақат жуда ишончли миждозга берадиган бўлса, унинг юқори фойда олиши имконияти

қисқариши мумкин. Шу билан бирга агар кредитни тўлаш бўйича муаммолар юзага келса, бу банкка жуда қимматга тушуши мумкин. Шунинг учун биз олдин таъкидлаб ўтганимиздек банкнинг кредит сиёсати эҳтиёткорлик билан банк ресурсларини оқилона жойлаштириши асосида юқори фойда олиш ўртасидаги балансни таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Кредит портфелини диверсификациялаш қарзни тўламаслик рискни энг оддий ва арзон усул билан хеджирлашга ёрдам беради ва банкнинг ссуда ва депозитлари кенг миқозлар кўламига бўлиб чиқишни англатади.

Қарз беришда диверсификациялаш банкнинг ссуда портфелида абсолют миқдор ёки тўтган салмоқни тўғридан – тўғри чеклашни англатади.

Кредит портфелини диверсификациялаш усулидан фойдаланишда банк кредитларини турли соҳалардаги компанияларига, кичик миқдорда қисқа муддатларга ва кўпроқ миқозларга беришни афзал кўриши лозим.

Яна кредитларни диверсификация қилишда берилган кредитларнинг таъминланганлигини ҳисобга олиш йўли билан кредитлар бўйича рискларни камайтириб, банк ундан фойда олишга эришиши мумкин. Шундай қилиб, кредит портфелини диверсификация қилиш усули қуйидаги тўрт асосий хусусиятни ўзида ифода қилишини эътиборга олиш зарур. Булар:

биринчидан , кредитни кўп сонли, турли тармоққа таалуқли миқозлар ўртасида тақсимлаш;

иккинчидан, кредитни кам миқдорда бериш ва бир миқоздан кўрилиши мумкин бўлган зарарни бошқа миқозлардан келадиган фойда орқали қоплаш;

учинчидан, кредитни умумий ҳажмини сақлаб турган ҳолда қисқа муддатларга кредит бериш;

тўртинчидан, кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш.

Кредитларни диверсификация қилишда кредитларни кам миқдорда кўпроқ мижозларга беришга алоҳида эътибор қилиш лозим.

Биз таклиф қилаётган диверсификациянинг тўртинчи усули, яъни кредитларнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация ўтказиш бизнинг банкларимиз амалиётида кам қўлланилади. Бизнинг фикримизча, диверсификацияни кредитларни таъминланганлиги бўйича ўтказиш ҳам анча самара берувчи усул ҳисобланади. Чунки таъминланганлик кредитнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб кредитнинг ўз вақтида тўланишига асос ҳисобланади.

Кредитларни таъминланганлиги бўйича диверсификация қилишда таъминлаш асос қилиб олинган объектнинг ликвидлик даражасига эътибор бериш зарур. Кредит таъминотининг ликвидлилик даражаси қанча юқори бўлса, кредит ва у бўйича фоизнинг ҳам ўз вақтида қайтиши осон ва тез бўлади. Шу жиҳатдан амалиётда банклар берган кредитлари бўйича уларнинг таъминланганлигига қараб диверсификация қилиш усулини қўллаш кредит рискларининг камайишига ва банк фойдасининг ошишига олиб келиши мумкин. Кредитнинг таъминланганлиги бўйича диверсификация қуйдаги белгилар бўйича ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Булар:

- кредитнинг товар моддий бойликлар билан таъминланганлиги;
- қимматли қоғозларни гаровга олиш йўли билан таъминланганлиги;
- банк гарантияси билан таъминланганлик даражаси;

- бошқа ҳуқуқий шахсларнинг кафолати асосида кредитлар бериш ва бошқалар.

Банкнинг активларида учрайдиган рискларни камайтиришнинг асосий йўлларида бири бу мавжуд рискларни диверсификациялашдир. Рискларни диверсификациялашга эришиш учун банкларнинг ўзларининг мавжуд барча ресурсларини, активлари орасида меъёрида тақсимлаб чиқишга интилишада. Халқаро банк амалиётида банкларнинг ресурсларини, активларнинг турлари орасида тақсимлаш бўйича қўйидагича меъёрлар мавжуд. Банкнинг кассасидаги нақд пуллар ва уларга тенглаштирилган тўловлар умумий активларнинг 10% миқторида бўлиши, банкнинг берган кредитлари умумий активларининг 60-65% миқторида бўлиши, банкнинг инвестиция портфели умумий активларнинг 15-40% гача бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Албатта бу меъёрлар ҳар бир мамлакатнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб ўзгариб туради. Бундан ташқари банк ўз ресурсларини белгиланган тарзда диверсификациялаб чиқган билан мавжуд хатарларни тўлик бартараф қилаолмайдилар. Уларни бошқариш керак бўлади. Рискларни бошқариш учун ушбу меъёрида тақсимланган активларни ҳам халқ-хўжалиги тармоқлари ўртасида, хўжалик субъеклари ўртасида сифат жиҳатдан тақсимлаб чиқиш зарурати тўғилади.

Рискларни халқ хўжалига тармоқлари ўртасида тақсимлаб чиқишда халқаро банк амалиётида аниқ чегаралар белгиланмаган, аммо бозор иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг банклари амалиётида бирорта тармоқга қўйилма қилишдан олдин шу тармоқнинг молиявий ҳолати, келгусидаги кутилаётган ҳодисаларни таҳлил қилиб чиқишади.

Халқаро банк амалиётида активларни хатарлардан ҳимоялаш мақсадида кенг қўлланиладиган усуллардан бири бу активларни географик диверсификациялашдир. Активларни диверсификациялашда бу усул энг самарали ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу усулдан халқаро амалиётда кенг қўлланилади..

## **II. БОБ. Тижорат банкларининг активлари таркиби ва уларни диверсификациялашнинг амалий ҳолатини таҳлили**

### **2.1. Тижорат банкларининг активлари таркибини таҳлили**

Тижорат банкларининг активларини тўғри ташкил этиш банк ресурсларининг сифатини яхшилаш имконини беради. Агар банк ресурслари юқори даромад келтирувчи активларга жойлаштириладиган бўлса, у ҳолда жалб қилинадиган ресурсларни юқорироқ фоиз ставкасида жалб қилиш имконияти туғилади. Агар бу ресурслар ўзоқ муддатли инвестицияларга йўналтириладиган бўлса, у ҳолда банк ўзоқ муддатга ресурслар жалб қилиш учун ўзининг депозит сиёсатини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Банк балансини таҳлил қилиш тижорат банкларининг ресурсларини мақбуллаштирилишига кўра турлича бўлади. Тижорат банкларининг балансининг таҳлил қилишда одатда структуравий таҳлил қўлланилади. Ушбу услуб бизга банк балансининг ликвидлиги, ишончлилиги ва фойдалилиги каби кўрсаткичларни аниқлаб беради. Бу таҳлилни асосий мақсади актив ва пасивларнинг оптимал ҳолатини ташкил этиш, банкнинг ликвидлигини тўла сақлаган ҳолда юқори фойда олишга қаратилган.

Халқаро амалиётда банк баланси ликвидлигини ва хавф – хатарга тортилганлигини аниқлаш мақсадида, гуруҳлаш усули қўлланилади. Балансининг актив қисми тўрт гуруҳга ажратилади:


1). Нақд пуллар ва Марказий банк ёки бошқа банк ҳисобварақларидаги маблағлар. Бу гуруҳ активлари бирламчи захира ҳисобланади.

2). Қимматбаҳо қоғозларга йўналтирилган активлар. Бу гуруҳдаги активларни бир қисми нақд пулга айлантириш жараёнида йўқотилиши мумкин. Шу сабабли бу активлар иккиламчи захира бўлиб ҳисобланади.

3). Корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларга берилган кредитлар. Бу гуруҳ таркибидаги активлар юқори даражадаги хатарга эга, чунки ушбу активларнинг қайтмаслик эҳтимоли жуда юқори.

4). Бино – иншоот ва асбоб – ускуналарга йўналтирилган активлар. Ушбу гуруҳдаги активлар ликвид активлар ҳисобланмайди.

Банкларда барқарор ресурс балансини шакллантириш ва уни яънада кенгайтириш борасида амалга оширилган чора – тадбирлар натижасида тижорат банклар томонидан муомалага чиқарилган ва жойлаштирилган депозит сертификатлари 2013 йил 1 январ ҳолатига кўра 445,6 млрд.сўмни ҳамда инвесторлар ўртасида жойлаштирилган тижорат банкларининг узоқ муддатли облигациялари 258,7 млрд.сўмни ташкил этди.<sup>10</sup>



**1-расм. Тижорат банкларининг жами активлари қолдигининг динамикаси (млрд.сўмда).<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Бозор, пул ва кредит . 2013 йил. 1-сон,19,17 бетлар.

1-расмда тижорат банкларининг жами активлари йил давомида 30,2 фоизга ошиб, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 35,7 трлн.сўм га етди. Бундай ҳолат ўз навбатида банкларнинг актив операциялар ҳажми, жумладан кредитлаш ва инвестициялаш имкониятларининг ошишига имконият яратди. Шунингдек банклар томонидан ажратилган кредит қўйилмалари қолдиғи эса 30,5 фоизга ўсиб, 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 20,4 трлн.сўм ни ташкил этди.

Биз ОАТБ “Микрокредитбанк” нинг Бухоро вилояти Когон филиали активлари таркибини амалий ҳолати билан танишамиз.

### 3-жадвал

#### ОАТБ “Микрокредитбанк” нинг Бухоро вилояти Когон филиали активлари таркиби (млн.сўмда)<sup>11</sup>.

Т/р	Кўрсаткичлар	01.01.2011	01.01.2012
1	Нақд пуллар	71800,6	3100,1
2	Марказий банкдаги пуллар	14404,3	74324,5
3	Бошқа банклардаги пуллар	7900,6	15624,1
4	Қимматли қоғозлар	2226,0	5306,8
5	Инвестициялар	2773,8	2751,4
6	Ссуда ва лизинг операциялари	90923,0	121868,1
7	Асосий воситалар	11583,0	15893,0
8	Ҳисобланган фоизлар	5500,0	7436,0
9	Бошқа активлар	2665,7	4063,0
10	Жами активлар	209277,0	250367,0

3-жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатадики банк активлари таркибида йилдан – йилга жуда катта ўзгаришлар содир бўлган, яъни банк активлари йиллар давомида

<sup>11</sup>ОАТБ “Микрокредитбанк”нинг Бухоро Вилояти Когон филиалини йиллик ҳисобот маълумотлари.

кўпайганлигини гувоҳи бўламиз. 2011 йил 1 январ ҳолатига банк активлари 209277,0 млн.сўмни ташкил этган бўлса, 2012 йил 1 январ ҳолатига 250367,0 млн.сўмни ташкил этмоқда. Бир йил давомида банк активлари 41090,0 млн.сўмга ошганлигини кўрамыз. Бунда банк ресурслари ошган сари унинг активлари ҳам сезиларли даражада ошиб боришини кузатиш мумкин бўлади.

Банк активларининг таркиби жаҳатдан эътибор бериладиган бўлса, банкнинг активларида банк томонидан амалга ошириладиган ссуда ва лизинг операциялари юқори салмоғни ташкил этади. Яъни 2011 йилда жами активлар таркибида ссуда ва лизинг операциялари салмоғи 43 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 49 фоизни ташкил этмоқда.


Банк активлари таркибида ссуда ва лизинг операциялари салмоғининг 2011 йилда 43 фоизни ва 2012 йилда 49 фоизни ташкил этганлигидан келиб чиқадиган бўлсак, банк ўзининг кредит ва депозит сиёсатини мукамал мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиққанлигини кўрамыз. Банк ўзининг ликвидлик ва тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичларини банк фаолиятига мувофиқлаштирилган даражада ушлаб турганлигини кўрамыз. Банк ресурсларни оптималлаштириб бориш учун албатта уларни банк активларига нисбатан тўғри тақсимлаш орқали эришади. Банк активларига ресурсларини тўғри ва оптимал даражада жойлаштириш эса, банк ресурслардан қайси даражада оптимал фойдаланганлиги ва шу ресурслар келтирадиган даромад миқдорига ҳам бевосита боғлиқдир.

Тижорат банклари ўзларида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишлари орқали оладиган даромодларни қанчалик барқарорлашиб борса, уларнинг фаолиятлари шунчалик кенгайиб бориб, ресурслар базасини янада кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Банк ресурслари келтирадиган даромад, ушбу ресурслардан қай даражада фойдалана олишга ҳамда банк активларига қай тарзда



жойлаштирилишига боғлиқ. Биз ОАТБ “ Микрокредитбанк ” нинг Бухоро вилояти Когон филиали фаолиятини амалий маълумотларига асосланиб унинг даромад манбаларини таҳлил қиламиз ва кўриб чиқамиз.



**2-расм. ОАТБ “ Микрокредитбанк ” нинг Бухоро вилояти Когон филиалини 2011 йилда даромад манбалари (фоизда).<sup>12</sup>**


Расмда келтирилган маълумотлар банк фаолиятида даромад манбаларининг улушлари фоизларда келтирилган бўлиб, уларни таркибида ссудалар бўйича фоизли даромадлар 22 фоизни, бошқа фоизли даромадлар эса бошқа фоизли даромадлари 28 фоизни ташкил этмокда ва шунингдек банкнинг фоизсиз ва бошқа даромадлари 50 фоизни ташкил этган. Банкнинг фоизсиз ва бошқа даромадлари таркибида банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича даромадлари асосий қисмини ташкил этади.

---

<sup>12</sup>ОАТБ “ Микрокредитбанк”нинг Бухоро Вилояти Когон филиалини йиллик ҳисобот маълумотлари.

Юқоридаги маълумотлар асосли тартибда таҳлил қилиш учун банкнинг бир неча йиллардаги даромад манбалари билан танишган ҳолда тегишли хулосавий фикр ва қарорларни билдириш мумкин бўлади.

Шунинг учун, биз ОАТБ “Микрокредитбанк” нинг Бухоро вилояти Когон филиали фаолиятини 2012 йил амалий маълумотларига асосланиб унинг даромад манбаларини ўрганамиз.



**3-расм. ОАТБ “ Микрокредитбанк ” нинг Бухоро вилояти Когон филиалини 2012 йилда даромад манбалари (фоизда).<sup>13</sup>**

Ушбу расмда ОАТБ “ Микрокредитбанк ” нинг Бухоро вилояти Когон филиалини 2012 йилда даромад манбалари келтирилган. Ундаги рақамларга

---

<sup>13</sup>ОАТБ “ Микрокредитбанк”нинг Бухоро Вилояти Когон филиалини йиллик ҳисобот маълумотлари.

этибор бериладиган бўлса 2011 йил банкнинг даромад манбаларига нисбатан айтарли катта ўзгаришлар бўлмаганлигини кўрамиз. Унда асосан ссудалар бўйича фоизли даромадлар 2012 йилда 2011 йилга нисбатан икки фоизга ошган ва шунинг ҳисобига фоизли даромадлар 26 фоизни ташкил этмоқда.

Демак банкнинг ресурслари асосан юқори даромад келтирувчи активларга, яъни кредитларга ва бошқа фоизли ҳамда фоизсиз даромадларга жойлаштирилганлигини гувоҳи бўламиз. Бу албатта, банкнинг даромадларига ўз таъсирини ўтказди.

Умуман олганда банк ресурсларини тегишли даражада сақланишининг таҳлили шуни кўрсатадики, банк ўз фаолиятида мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилган. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки банк ресурсларининг катта ёки асосий қисмини юқори даромад келтирувчи активларга диверсификация қилган. Ҳар бир тижорат банки фаолияти давомида ресурслари муҳум аҳамиятга эга бўлади. Чунки, банк ўзининг олдига қўйган ривожланиш стратегиясини амалга ошириши учун, ресурслари базасини барқарорлигини таъминлаши талаб этилади. Шу жиҳатдан ҳам, тижорат банклари ўзларининг ресурс базасини тегишли даражада ушлаб туришлари учун ҳаракат қиладилар.

Банк ресурсларининг тегишли даражада ёки оптималлаштириш деганда, нафақат уларнинг миқдори жиҳатидан, балки ресурсларни сотиб олиш баҳолари, улар келтирадиган даромади ёки самарадорлиги ва бошқа кўплаб хусусиятли омилларини тушунишимиз керак.

Бизга яхши маълумки, тижорат банкларининг ресурслари таркибида асосий ўринни жалб қилинган маблағлар эгаллайди. Шунинг учун ҳам тижорат банклари ушбу маблағлардан активлар сифатида унумли ва самарали фойдаланишлари тақозо этилади.

## **2.2. Тижорат банкларининг активларини диверсификациялаш ҳолатини таҳлили**

Банк амалиётидан бизга яхши маълумки банк активларининг таркибида кредит операциялари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун битирув малакавий ишда тижорат банкларининг кредит операцияларини диверсификациялаш ҳолатига эътиборимизни қаратамиз. Бунда, диверсификациялашнинг кейинги тури – географик диверсификациялашдан фойдаланамиз. Унда турли географик минтақа ёки минтақаларда мижозлар тақсимоли ҳисобга олинади. Диверсификациялашнинг бу тури йирик банклар учун ҳосдир. Ўзбекистон Республикасида ушбу усул асосида қарз олувчининг келиб чиқиш жойига қараб қўлланилади, яъни банк кредит портфелини Ўзбекистон Республикаси резидентларига ва норезидентларига берилган кредитларга қараб бўлади. Банклар фаолиятида кредитлашнинг географик лимитларини ўрнатиш ижобий самара бериши мумкин. Географик диверсификациялаш банк фаолиятининг ривожланишига банклар ўртасида рақобатнинг вужудга келишига ва уларни иқтисодий жиҳатдан молиявий барқарорлигини таъминлашга олиб келади.

Шунингдек ушбу жараёни амалга оширишда тижорат банклари кредит портфелини ҳалқ хўжалиги тармоғига қараб диверсификациялаш мумкин. Шу билан бир қаторда банк ўз навбатида тармоқлар бўйича кредитлашнинг тегишли хусусиятларини ва томонларини аниқлайди.

Биз банк амалиётида кредит портфелини тармоқлар бўйича кредитлаш жараёнини диверсификациялашни ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиалини амалий маълумотларига асосан таҳлил қиламиз.

ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиалини жами кредит қўйилмаларининг қолдиғи 2012 йил 31 декабр ҳолатига 14836,0 млн.сўмни ташкил этади. Шундан қисқа муддатли кредитлар жами

10072,5 млн. Сўмни (7 та хўжалик субъекти бўйича ) ва ўзоқ муддатли кредитлар 4763,5 млн.сўмни (9та хўжалик субъекти бўйича ) ҳамда, 84 та жимсоний шахслар бўйича берилган кредитлар ташкил этади. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таркибини қуйдаги жадвалда кўришимиз мумкин бўлади.

#### 4-жадвал

**ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таркиби (млн.сўмда)<sup>14</sup>.**

т/р	Кредитлар таркиби	Жисмоний шахслар сони	Берилган кредит суммаси
1	Ипотека кредит	17	421,5
2	Истеъмол кредит	57	125,8
3	Таълим кредит	10	14,5
4	Жами	84	561,8

Ушбу жадвалда келтирилган рақамларга эътибор берилса жисмоний шахсларга берилган жами кредитлар 561,8 млн.сўмнинг 75 фоизи ёки 421,5 млн. сўми ипотека кредити учун ажратилган. Шунингдек жисмоний шахсларга банк томонидан ажратилган кредитларнинг таркибада истеъмол кредити 22 фоизини ҳамда таълим кредити 3 фоизини ташкил этганлигини кўрамиз.

Тижорат банклари томонидан кредитлаш жараёнида кредитлар таркибини бундай тартибда шаклланиши диверсификациялаш учун мисол бўла олади. Чунки, бундай ҳолатда банк томонидан жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар турли соҳаларда ишлатилиши билан изоҳланади. Демак, банк томонидан ажратилган кредитлар турли соҳаларни ривожланиши учун хизмат қилмоқда.

<sup>14</sup>ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали йиллик ҳисобот маълумотлари.

Энди биз, ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали томонидан турли хўжалик субъектларини кредитлаш орқали тармоқлар бўйича берилган кредитлар таркиби билан танишамиз.

#### 5-жадвал

**ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиалини кредит қўйилмаларини тармоқлар бўйича тақсимланиши, млн.сўмда)<sup>15</sup>.**

т/р	тармоқлар	2011 йил 1 январ	2012 йил 1 январ	фарқи
1	Саноат	683	1456,5	773,5
2	Транспорт	1552,9	12586	11033,1
3	Қурилиш	60,5	0	-60,5
4	Савдо	60,5	90,8	30,3
5	Қишлоқ хўжалиги	0	140,9	140,9
6	Бошқалар	499,0	561,8	62,8
7	жами	2855,9	14836,0	11980,1

Юқоридаги жадвалда, ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали томонидан ажратилган кредитларни тармоқлар бўйича тақсимланишида 2011 йилда транспорт тармоғига тўғри келган кредитлар миқдори 85 фоизни ёки 12586 млн.сўмни ташкил этмоқда. Шунингдек саноат йўналишига ажратилган кредитлар миқдори 10 фоизни ёки 1456,5 млн. сўмни ташкил этган бўлса, қолган бошқа тармоқларга тўғри келган кредит миқдори ҳам 5 фоизни ташкил этмоқда.

Банк томондан ажратилган кредитларни тармоқлар бўйича тақсиланишида катта фарқларнинг мавжудлиги келажакда банк фаолиятини кредитлаш тизимида ўзини таъсирини кўрсатади.

<sup>15</sup>ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали йиллик ҳисобот маълумотлари.

2012 йил давомида ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали томонидан ажратилган кредитлар ҳисобига олинган даромадлар 1607,3 млн.сўми ташкил этди. Шу даромаднинг 26 фоизи ёки 417,3 млн.сўми қисқа муддатли кредитлар ҳисобига олинган бўлса қолган 74 фоизи ёки 1190,0 млн.сўми ўзоқ муддатли кредитлар ҳисобига тўғри келади.

Банк амалиётида кредит портфелининг етарли даражада диверсификацияланмаганлиги кредит рисклари салмоғини ошишига ва натижада муаммоли кредитларни юзага келишига сабаб бўлади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида баъзи бир тармоқларнинг молиявий аҳволининг нобарқарорлиги, уларнинг кредитга лаёқатсизлиги, давлат томонидан айрим соҳаларни кредитлаш бўйича мақсадли ресурслар ажратилганлиги ва ушбу ресурсларни ушбу соҳаларга йўналтирилганлиги ҳамда кредит портфелини бошқаришда камчиликлар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Агар тижорат банклари томонидан турли тармоқларга берилган кредитлар миқдори нисбатан фоизларда жуда катта фарқ қилмаса бу берилган кредитларни бошқаришга имконият яратади. Шунингдек тижорат банкининг кредит портфели йилдан – йилга яхшиланиб боришини кўраемиз.

Тижорат банкларини кредит портфелини диверсификациялашда банкнинг муаммоли кредитлари ҳам асосий аҳамиятга эга. Чунки банкнинг берилган кредитлари бўйича муаммоли кредитларнинг мавжудлиги ва уларни ўз муддатида қайтарилмаслиги банкларнинг молиявий аҳволига, асосан даромад олиш имкониятларига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун биз ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк“нинг Сергели филиали кредит портфелини сифат жиҳатдан таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

**6-жадвал****ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Сергели филиалида кредитларни сифати бўйича таснифланиши (фоиз ҳисобида)<sup>16</sup>.**

т/р	Берилган кредитларнинг таснифи	2011 йил 1 январ	2012 йил 1 январ
1	Яхши	96,30	96,57
2	Стандарт	2,32	2,00
3	Субстандарт	1,22	1,26
4	Шубхали	0,07	0,05
5	Умидсиз	0,09	0,12

Юқоридаги жадвалда ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк” Сергели филиалининг кредит портфели сифати бўйича таснифланганда “яхши” кредитлар фоиз ҳисобида асосий ўринни эгаллаган. 2011 йил 1 январ ҳолатига банкнинг “яхши” кредитлар миқдори 96,30 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йил 1 январга келиб 96,57 фоизни ташкил этмоқда. Умумун олганда умумий кредитлар таркибида “яхши” кредитлар 0,27 фоизга кўпайган. Бундай ҳолат қисман бўлсада банк кредит портфелини яхшиланганлигидан далолат беради. Лекин шунга қарамасдан банк томонидан муаммоли кредитларни камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Банк томонидан берилган кредитнинг самарадорлиги, унинг ўз вақтида банкка қайтиб келиши тижорат банкининг кредит портфелини сифатиغا, шунингдек юқорида биз келтирган йўналишлар бўйича диверсификацияланганлигига боғлиқ бўлади.

---

<sup>16</sup>ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк”нинг Сергели филиали йиллик ҳисобот маълумотлари.



### **III. БОБ. Тижорат банклари активларини самарали бошқариш ва уларни диверсификациялашнинг такомиллаштириш истиқболлари**

#### **3.1. Тижорат банклари активларини самарали бошқаришнинг такомиллаштириш истиқболлари**

“Ликвидлилик – даромадлилик” дилеммасини ҳал қилишда активлар бошқарувига уч хил ёндашув мавжуд. Биринчи усул энг оддий усул ҳисобланади, яъни ресурсларнинг умумий фонди усулидир (пулл-оффундс). Иккинчи усул – активлар тақсимоли ёки ресурслар конверсияси (ассет аллокацион анд сонверсион оф фундс). Учинчи усул – ЭХМ ларни қўллаш орқали бошқаришнинг илмий усули ва таҳлилидан фойдаланиш. Ушбу усуллар активларни бошқаришда ҳар бирининг ижобий ва салбий томонлари мавжуд.


Дастлаб, биринчи усулга тўхталсак. Ресурсларнинг умумий фонди усулида банкнинг барча ресурсларини бирлаштириш ғояси ётади. Тўпланган ресурслар кейин активларга жойлаштирилади.(кредитлар, давлат қимматли қоғозлари, кассада нақд пуллар ва б.).

Активларни бошқаришда ушбу усулни амалга ошириш учун қуйдаги босқичлардан ўтиши даркор:

Биринчиси, маблағларни тақсимланиш тўзилишини аниқлашда уларни улушини белгилаш, бу улуш бирламчи резерв сифатида ташкил қилинади. Бирламчи резервларга балансдаги нақд ва унга тенглаштирилган пуллар ҳамда уларнинг қолдиқлари киради. Бирламчи резервлар тижорат банки ликвидлигининг асосий манбаси ҳисобланади. Чунки айнан ушбу манба орқали тижорат банклари кунлик ҳисоб – китобларида фойдаланади.

Иккинчиси, иккиламчи резервларни тўзиш масаласидир. Тижорат банклари активларини жойлаштираётганда “ нокассавий” ликвид активларини тўзади. Бундай резервлар юқори ликвидликка эга бўлади.

Чунки уларни қисқа муддат ичида нақд пулга айлантириш имконияти пайдо бўлади. Иккиламчи резервларни тўзишдан мақсад бирламчи резервларни тўлдириш манбаси ҳисоланади. Иккиламчи резервларга қимматли қоғозлар портфели, айрим ҳолларда ссуда ҳисобварағидаги маблағлар киради. Шу ўринда биринчи усулни моҳиятини қуйдаги чизмадан кўриб тушуниш мумкин.




**4- расм. Ресурсларнинг умумий фонди усули орқали активларни бошқариш<sup>17</sup>**

Учинчи босқич, кредит портфелини тўзишдир. Банк бирламчи ва иккиламчи резервларни тўзиб бўлгандан кейин у ўз миқдорларига ссудаларни бериши мумкин. Банк активлари ичида ссудалар асосий ўринни эгаллайди.

<sup>17</sup> Абдуллаева Ш., Сафарова З. “Тижорат банклари молиявий ресурсларни бошқариш”. Тошкент-2007й. 172 б.

Тўртинчи босқичда, маблағлар тақсимлаб бўлингандан кейин, қимматли қоғозлар портфели таркиби аниқланади.

Юқоридаги таъкидланган усул активларни бошқаришда “ликвидлик - фойдалилик” дилеммасини тўлиқлигича ҳал қилолмайди. Чунки ресурсларни активларга жойлаштиришнинг аниқ мезонлари ўрнатилмаган. Талаб қилингунча депозитларга, жамғарма депозитларга, муддатли депозитларга ҳамда асосий капиталга нисбатан ликвидлик талаблари ҳисобга олинмайди. Бунинг оқибатида тижорат банкларининг фойдаси йилдан йилга камайиб кетиши мумкин. Шунинг учун тижорат банклари активларини бошқаришнинг иккинчи усули, яъни – активларни тақсимлаш усулига мурожаат қилишади.



**5-расм. Активларни бошқаришнинг ресурслар тақсимоти усули<sup>18</sup>**

<sup>18</sup>Абдуллаева Ш.,Сафарова З. “Тижорат банклари молиявий ресурсларни бошқариш”. Тошкент-2007й.173 б.

Активларни бошқаришни иккинчи усули- активларни тақсимлаш усулига кўра, тижорат банкига зарур бўлган ликвид маблағлар ресурслар жалб қилишнинг манбаларига боғлиқ

Активларни тақсиллаш усулида ҳар бир депозит тури бўйича алоҳида резервларни ташкил қилиш назарда тутилади. Ушбу усулнинг энг асосий афзаллиги шундаки, ушбу усулни қўллашда ликвид активларини камайишига олиб келади. Бу эса, фойда меъриини оширади. Ушбу усул тарафдорлари таъкидлашича, фойда меърининг ошиши айнан ортиқча ликвид маблағларни ишлатиб юборишдан келиб чиқади. Умуман олганда, юқоридаги икки усул мажбурий резервлар ликвидлилигига урғу беради. Иккала усул минимал ликвидлик даражасига таянмасдан, ўртача ликвидлик даражасига таянади бу эса иккала усул учун камчилик ҳисобланади.


Активларни бошқаришнинг учинчи усули – илмий бошқариш усули. Ушбу усул орқали актив операцияларни амалга оширишда математик модел усуллардан фойдаланилади. Илмий бошқариш усули уч хил саволга жавоб беришни назарда тутди: “ муаммони моҳияти нимада?”, “ муаммо ечимининг вариантлари қандай?”, “ қайси вариант энг яхши ҳисобланади?”. Ушбу саволларга жавоб бериш учун ЭҲМлардан кенг фойдаланилади.

Бизнинг фикримизча, юқоридаги таъкидлаб ўтилган активларни бошқаришнинг уч хил усули анъанавий усуллар қаторига киради. Чунки бугунги кунда активларни бошқаришда янги ахборот технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, актив ва пасивларни бошқаришда “ ГАП” таҳлилидан кенг фойдаланиш масаласидир. Айнан ушбу усул орқали жаҳоннинг нуфўзли банклари ўз активлари ва пасивларини бошқаради.

Активларни бошқаришни ўрганишда банк активлари ликвидлиги масаласини кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Банклар самарали фаолият юритиши ва уларнинг ишончлилигини таъминлашга эришиш учун банкларнинг ликвидлиги қай даражада эканлигини аниқлаш жуда муҳумдир.

Қуйидаги АТ “Микрокредит” банки томонидан активларга сарфланган пул ресурслари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилган.



**6 – расм. “Микрокредитбанк” нинг активлар таркиби (фоизда, 2012 йил 1 январь ҳолатига)<sup>19</sup>.**

Ликвидлилик банк фаолиятини тавсифлайдиган асосий сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, банк томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилиши ҳамда активлар ўсишини таъминлаш билан бирга, депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг самарали бошқарувини билдиради.

<sup>19</sup>АТБ “Микрокредитбанк” нинг йиллик ҳисобот маълумотлари.

Иқтисодиётнинг эркинлаштириш шароитида банклар ва уларнинг барқарор фаолият юритиши кўп жиҳатдан унинг бизнеси қай даражада ташкил этганлигига боғлиқ.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг асосий мақсади даромад олишдир, шу жумладан, тижорат банклари ҳам ўз фаолиятлари натижасида даромад олиб боради.

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида банклар ўз даромадларини имкон даражасида ошириб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин даромадлиликка тесқари пропорционал бўлган ликвидлилик кўрсаткичи ҳам борки, у бўйича ўрнатилган талабларга барча тижорат банклари амал қилишлари керак. Ликвидлилик тижорат банкларининг молиявий ҳолатини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ликвидлилик муаммоси тижорат банклари вужудга келиши биланок пайдо бўлган. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш бозор муносабатларига ўтиш шароитида янада долзарблашади, сабаби, ўтказилаётган ислохотларнинг самараси тўғридан – тўғри банк тизими барқарорлигига боғлиқдир.

Ҳозирги шароитда республика банк тизимининг ликвидлиги ва барқарорлиги мамлакат учун ғоят муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш ва уни бошқариш механизмини такомиллаштириб бориш ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Маълумки, авваллари банк ликвидлиги 2 та назарий ёндашувни ўз ичига олар эди:

- Банк активлари таркиби, муддати, банк пассивлари таркиби, муддатларига мос келиши шарт. Бу эса амалий жиҳатдан тижорат банклари ўз ликвидлигини бошқариш бўйича актив сиёсат юритишга йўл бермас эди. Ушбу берилган назарий асослар натижасида банк молиявий талаблари ҳажми ва муддати банк

мажбуриятлари ҳажми ва муддатларга мос келиши шарт деган банкнинг олтин қоидаси юзага келди;

- Баланс активлари ва пасивлари таркиби реал ҳажмда мос келмаслигига асосланган, ҳатто энг қудратли тижорат банклари ҳам молиявий инқирозлар, банкротлик, иқтисодий тангликлардан ва бошқа можаролардан суғурталанмаган. Бу, айниқса, режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтган даврларга хосдир.

Банк ишининг эволюцион тарзда ривожланиши натижасида иккинчи ёндашувга асосан актив ва пасивларни бошқариш назариялари юзага келиб, ривожланди.

Ҳозирги кунда 4 та асосий назария ўзаро фарқланади:

1. Тижорат ссудалари назарияси
2. Жойдан-жойга (активларни ) кўчириш назарияси
3. Кутиладиган даромад назарияси
4. Пасивларни бошқариш назарияси

Тижорат банклари активларини самарали бошқаришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир:

- тижорат банклари активлари таркибида рискка тортилган активлар сифатини ошириш лозим. Бунинг моҳияти шундан иборатки, тижорат банклари томонидан барилаётган кредитларни белгиланган муддатда ва тўловлар асосида тулик қайтишига эришиш лозим, берилган кредитларни тулик қайтмаслиги натижасида активлар таркибида «ёмон» кредитлар қолдиғи вужудга келади.

- тижорат банклари рискка тортилган активлари ҳажмини банкнинг пасивидаги муддатли ресурслари даражасидаги тенглигини таъминлашга эришиш лозим. Бу тижорат банклари вакиллик ҳисоварақлари такчиллиги ва ликвид маблағларни етишмаслиги каби муаммоларни олдини олишга имконият беради.

Республикаимиз тижорат банклари активларининг даромадлилигини ошириш билан боғлиқ бир қатор муаммолари мавжуд. Бизнинг фикримизча, улардан асосийлари сифатида қуйидаги муаммоларни кўрсатиш мумкин:

1. Республикаимиз тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган ва даромадлилик даражаси паст бўлган активларни, яъни кассали активларни, бино ва иншоотларни сезиларли даражада юқори салмоққа эга эканлиги муаммоси.

Ҳозирги вақтда республикаимиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди, учинчи ўринни эса, асосий воситаларга қилинган қуйилмалар эгаллайди. Ҳолбуки, асосий воситалар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади, кассали активларнинг даромадлилик даражаси эса, жуда пастдир. Ривожланган индустриал мамлакатларнинг банк амалиётида эса, тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни қимматли қоғозлар шаклидаги активлар, учинчи ўринни эса, кассали активлар эгаллайди. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар даромадлилик даражасига кўра кредитлардан кейинги актив ҳисобланади. Бундан ташқари, улар банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам, кўплаб хорижий банкларда активларнинг даромадлилик даражасини юқори эканлиги кузатилади.

2. Республикаимиз тижорат банклари активларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир қилувчи мажбурий заҳира талабларининг юқорилиги.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан мажбурий ажратма заҳираси 15 фоиз қилиб белгиланди. Бу нисбатан юқори ставка бўлиб тижорат банкларининг кредитлаш имкониятига ва ликвидлилигига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Японияда



мажбурий захира ставкаси 0,1 фоиздан 0,125 фоизгача қилиб белгиланган. Бу кўрсаткич Буюк Британияда -0,45 фоизни, АҚШда -3-12 фоизни, еврохудуд кирувчи Европа мамлакатларида эса, 2 фоизни ташкил қилади. Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида мажбурий захира ставкалари депозитларнинг муддати ва сўммасига боғлиқ равишда табақалаштирилган. Депозитнинг сўммаси қанчалик катта бўлиб муддати қанчалик қисқа бўлса, мажбурий захира ставкаси шунчалик юқори белгиланади. Натижада муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан паст ставкалар қўлланилади. Бу эса, тижорат банкларига мазкур депозитларга нисбатан қулай фоиз ставкалари белгилаш имконини беради, натижада банкларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари шаклидаги ресурслари кўпаяди.

3. Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожланмаганлиги.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, республикамиз тижорат банкларининг миллий ва халқаро фонд биржаларидаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Бу ҳолат банкларнинг қимматли қоғозлар портфелини таҳлил қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Ҳолбуки, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар банкларнинг ссудалардан кейинги иккинчи асосий фаолият тури ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан 2000 йил 25 мартдаги 5121-сонли Низомга мувофиқ банклар томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғоз депозит сертификатидан мажбурий захирага ажратма қилиш бўйича имтиёз берилган эди. Лекин Марказий Банки томонидан 2004 йил 31 декабр №28/5-сонли Низомига асосан мажбурий ажратма захираси 15 фоиз қилиб белгиланди ва тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғоз депозит сертификати бўйича имтиёз бекор қилинди. Бу

эса банкларни қимматли қоғозлар билан бўладиган операцияларини кескин камайишига олиб келди ва ўз навбатида бу тижорат банкларининг ресурс базасининг шаклланишига ҳам салбий таъсир қилди..

4. Мамлакатимиз тижорат банкларининг активларни бошқаришда молиявий инструментларни қўллаган ҳолда амалга ошириладиган операцияларининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан бири республикаимиз банк амалиётида бир қатор активларни бошқаришда молиявий инструментларнинг, шу жумладан, дисконт, форфейтинг операциялари каби операцияларни мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Мамлакатимиз банк амалиётида дисконт операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банклари активларининг даромадлигини оширишга сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Чунки, дисконт операциялари банкларга сезиларли даражада юқори бўлган фоизли даромадлар олиш имконини беради. Бундан ташқари, дисконт операциялари тижорат банклари активларининг даромадлигига зиён етказмаган ҳолда, банкларнинг ликвидлигини ошириш имкониятини юзага келтиради. Бундай имконият тижорат банкларининг балансидаги тратталарни Марказий банкда қайта ҳисобга олиш йўли билан юзага келтирилади. Демак, республикаимиз банк амалиётида дисконт операцияларининг мавжуд эмаслиги тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш ва активларининг даромадлигини оширишга салбий таъсир кўрсатади.

Республикаимиз банк амалиётида форфейтинг операцияларини ривожланмаганлигининг бирламчи сабаби — мамлакатда тижорат векселлари муомаласининг тўхтатиб қўйилганлигидир. Чунки, форфейтингда мол етказиб берувчининг банки тижорат векселларини регресс ҳуқуқисиз ҳисобга олади. Бунинг маъноси шуки, эмитент банкрот

бўлиб қолган тақдирда банк мол етказиб берувчига тўлов юзасидан даъво қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

5. Тижорат банклари валюта операцияларининг даромадлилик даражасининг паст эканлиги.

Амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган валюта операцияларининг 99 фоизи спот операцияларидан иборатдир. Спот операцияларининг даромадлилик даражасини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, уларнинг даромадлилик даражаси нисбатан сезиларли даражада пастлигича қолмоқда. Бунинг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

-миллий валюта-сўмнинг халқаро ва регионал валюта бозорларида баҳоловчи валюта вазифасини ўтай олмаётганлиги спот операциялари ҳажмини оширишга жиддий тўсқинлик қилмоқда;

-республикамиз тижорат банкларининг очиқ валюта позициялари миқдорини қисқартириш имкониятларининг чекланганлиги;

-Ўзбекистон тижорат банкларининг халқаро банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга эканлиги.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистон тижорат банклари халқаро банклар билан бир томонлама вакиллик муносабатларига эга, яъни бизнинг банклар мазкур банкларда ўзларининг «Ностро» вакиллик ҳисобварақларига эга.

Халқаро банкларнинг «Востро» вакиллик ҳисобварақлари Ўзбекистон банкларида мавжуд эмас. Бунинг натижасида импорт бўйича тўловларни амалга ошириш, хизматлар ҳақини тўлаш, хорижий банкларга ва корхоналарга фоизлар ва дивидендлар тўлаш бевосита «Ностро» вакиллик ҳисобварағини дебетлаш асосида амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, «Ностро»нинг ишчи қолдиғини кескин тебранишига олиб келади.

6. Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари умумий капиталининг таркиби ва етарлилигига қўйиладиган минимал талаб бўйича халқаро Базель андозаларидан фарқ қилувчи жиҳатларнинг мавжудлиги республикада тижорат банкларининг капитални шакллантириш активларни бошқаришнинг самардорлигига салбий таъсир қилмоқда. Худди шундай ҳолатни Россия, Швейцария, Япония ва бошқа бир қатор мамлакатларнинг банк амалиётида ҳам кузатиш мумкин. Тижорат банки капитал таркибини шакллантиришда АҚШ Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган методикада халқаро Базель андозаларидан фарқ қилувчи жиҳатлар анчагина. Бизнинг фикримизча, халқаро Базель андозаларида кўзда тутилган асосий капиталнинг таркиби АҚШ Марказий банкининг методикасида кўзда тутилган асосий капиталга нисбатан анча барқарордир.

Шунингдек, тижорат банкларининг устав заҳираси хусусида ҳам халқаро банк амалиётида ягона ёндошув мавжуд эмас. Устав заҳираси тижорат банки устав капитал миқдорида ташкил этилади. Лекин, унинг мақсади ва ишлатилиш соҳаси хусусида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Купчилик ривожланган давлатларда устав заҳираси ташкил этилмайди. Устав заҳираси асосан ривожланаётган мамлакатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилади. Устав заҳираси моҳиятига кўра банк устав капитал миқдорини оширишни таъминловчи молиявий манба ҳисобланади. Уни банк фойдаси ҳисобидан ташкил этилиши акционерлар умумий йиғилишининг қарорини кутиб ўтирмасдан, устав капитал каби барқарор молиялаштириш манбаига эга бўлиш имконини беради.

Умуман олганда тижорат банкларини активларини самарали бошқаришда уларни тегишли йўналишларда юқори даромад олиш имконияти билан жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

### **3.2. Хорижий банк амалиётида банк активлари таркиби ва уларни диверсификациялаш масалалари**

Ривожланган давлатларда активларни бошқаришдаги дастлабки қадам алоҳида бош молия ходими лавозими ташкил этиш бўлган.

Бу лавозим биринчи марта 1960 йилларда АҚШ банклари мажбуриятлари ва операциялар ҳажмининг ошганлиги сабабли қабул қилинган концепция ва методлар асосида ташкил этилган.

Банк активларини илмий бошқариш банклар учун сезиларли даражада муҳим устунликлар яратади. Шу билан биргаликда, банк раҳбарлари таҳлилнинг охиригига жараёнида олинган ахборотларга асосланиб моделни шакллантириш учун қарорлар қабул қилишда жавобгарликни ўз зиммаларига олиши керак. Бу усулнинг яна бир юқори устунликларидан бири раҳбарият моделни шакллантиришда мақсадни пухта аниқлашлари талаб қилинади ва аниқ шаклда ҳар хил чекловларни белгилаши керак бўлади. Олинган ахборотлар методга боғлиқ булмаган ҳолда алоҳида қийматни намоён этилади.

АҚШ банкларида жами активлар суммасининг 93 %ни жалб қилинган ва қарз маблағлари ташкил этади. Жалб қилинган маблағларнинг асосий қисмини депозит маблағлари ташкил этиб, тижорат банкларининг жами пасивларининг 85%ни ташкил этади.

Асосий депозитлар – бу банкка бевосита яқин фаолият юритаётган хужалик юритувчи субъектларнинг маблағлари.

Депозит ҳисоварақлари асосан 2 гуруҳга бўлинади:

- трансакция ҳисоварақлари, яъни талаб қилиб олингунча депозитлар, наў ҳисоварақлар, тасдиқланган чеклар;
- муддатли ва жамғарма депозитлари.

Трансакция ҳисоварақларида жами депозитларнинг учдан бир қисмини ташкил этувчи қисқа муддатли ликвид маблағлар сақланади.

Ноу ҳисоварақлар – депозит ҳисоварақлар бўлиб, бунда ҳисоб-китоб тратталари ёзиш мумкин бўлган, учинчи шахсларга тулаш учун аналогик чеклар бўлиб, бунда даромад сифатида фоиз тўлови олинади. Бу тўлов шакли АКШнинг барча ҳудудларида 1981 йилдан бошлаб қонуний равишда қулланила бошлаб, талаб қилиб олингунча депозитларга тенглаштирилган.

Ноу ҳисоварақларининг хусусиятлари:

-бу ҳисобварақда фоиз бозор ставкаси бўйича тўланади;

-аналитик чек олаётган ҳисобварақ эгасининг шошилинич тразда ёзиш ҳуқуқи бор;

-ҳисобварақ эгасидан ҳисобварақда минимал қолдикни сақлаш талаб қилинмайди.

Компаниянинг жорий депозит ҳисоварақлари ҳисоб-китоб тизимида кенг қўлланилиб, ҳисоб-китобларни юритувчилар ҳисобварақдаги маблағлар қолдиғини энг паст даражагача қисқартиришга ҳаракат қилишган, чунки бу қолдиқлар даромад келтирмаган.

Бу камчиликларни бартараф этиш мақсадида кассадаги нақд пул қолдиғини бошқариш методидан фойдаланила бошланди.

Банклар фирмаларга имконият яратиб ҳисобварақларда сақланаётган контрактда кўрсатилган маблағларнинг энг кам миқдоридан ортиқча қисми банклар томонидан тезда ҳисоварақ эгаларига даромад келтирувчи ликвидли активларга яъни қисқа муддатли қимматбаҳо қозғаларга жойлаштирилиб ҳисоварақларда маблағларнинг танқислигига дуч келганда хизмат кўрсатувчи банклар, даромад мажбуриятларини пулга конвертация қилиб бу маблағларни ҳисоварақларни тулдириш учун йуналтирган.

Хозирги вақтда талаб қилиб олингунча ҳисобварақларининг 75 % тижорат фирмаларига таълуқлидир. Хусусий жамғармачиларни жалб қилиш учун бир қатор имтиёзлар белгиланган (мисол учун, овердрафт шаклида кредитлар олиш, кам таъминланган жамғармачилар учун чек кўчирмаларини бепул бериш ва х.к).

Банк депозитларининг алоҳида турларини АҚШ давлати ғазначилиги ва бошқа ҳукумат органларининг депозитлари ташкил этади. Штатлар ҳукумати ва бошқа маҳалий ўз-ўзини бошқариш органларининг ҳамда жисмоний шахс ва фирмаларинг депозитларини яъни жамғармаларини банкларда сақлайдилар. Жойлардаги фирмалар банкка давлатга федерал даромат солиғини ўтказиш учун мурожат қилганда, банклар тезлик билан бу маблағларни талаб қилиб олингунча АҚШ давлат ғазначилиги учун чиқарилган векселларга алмаштирадидилар.

Юқорида куриб чиқилган асосий депозитлар банк ресурсларининг энг муҳим манбалари бўлиб ҳисобланади. Бу маблағларни жалб қилиш учун банклар (реклама, филиаллараро алоқа, банк автоматлари, обрӯ-эътибор, сифатли хизмат) анча-мунча кучларини сарф этган.

Тижорат банкларининг актив операцияларини 4та йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

- кредит операциялари.
- қимматбаҳо қағозларга инвестициялар
- касса операциялари
- бошқа активлар

Америка тижорат банклари учун асосий даромадли операциялардан бири кредит операцияларидир. Охирги йилларда бу ялпи опцион даромад умумий суммасининг 70 % ини ташкл этган.

Америка банкларининг берган кредитларининг асосий қисмининг 35-40% кучмас мулк объектларига яъни ипотека кредитларига, 30%га яқини савдо-саноат ташкилотларига, 20%га яқин индивидуал кредитларга тўғри келади. Қолган қисми эса молия муассасалари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига, молиявий лизинга ва бошқа турдаги кредитларга тўғри келади.

Барча кредитларнинг ярмидан кўпи-қисқа муддатли кредитларга тўғри келиб, кунлик эҳтиёжи учун операцияларини ўтказиш учун саноат

компанияларини оборот маблағларини тўлдириш учун берилган кредитларга тўғри келади.

Қисқа муддатли кредитлардан халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, енгил саноат, чакана савдо, мавсумий қайта ишлаб чиқарувчи саноат компаниялари ва бошқалар фойдаланадилар.

Оборот капитални молиялаштиришда қисқа муддатли кредитларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- кредит линиялари (мавсумий)
- фавкулотда ҳолатлар учун қарзлар
- оборот капитални тўлдириш учун қарзлар.

Тижорат ташкилотларини кредитлашнинг иккинчи катта гуруҳига барча асосий капитални молиялаштириш учун бериладиган қарзлар киради. Бу гуруҳга кучмас мулк, ер, асбоб ускуналар, ижара ҳақларини тўлаш учун бериладиган ўрта ва ўзоқ муддатли кредитлар киради.

Гаров асосида бериладиган қарзлар.

АҚШ Янги уй жойларининг 80%дан кўпроғи кредит ҳисобига сотиб олинади. Бу кредитларининг ўртача муддати 27 йилни ташкил этади. Энг муҳими банк қарзлари бир қарздорга бериладиган кредит миқдори акционерлар ва захира капитални суммасининг 10% идан ошмаслиги чегара қилиб олинган.

Америка тижорат банкларининг касса активлари.

Америка банклари балансининг бу гуруҳ моддалари юқори ликвидли активларини тақдим этади ва бу фоизли даромад олиб келмайди. Бунга қуйидагилар киради: сейфлардаги касса нақд маблағлари, федерал захира банкларининг захира ҳисоварақлари, тўловга қабул қилинган инкасса ҳужжатлари бошқа моддалар.

Касса маблағлари – бу ҳисоварақлардан нақд пул бериш, пулларни майдалаш, нақд пул кўринишда кредитлар бериш, банкнинг ҳаражат тўловлари, ишчи-хизматчиларга иш ҳақи тўлаш ва бошқа тўловларининг



кунлик эҳтиёжини қондирувчи банк касса ва сейфларида сақланадиган банкнотлар ва металл пуллардир.

Америка тижорат банкларининг касса актив бўлимидаги муҳим моддаларининг заҳира ҳисоварақлари федерал заҳира банкида юритилади. Қонун бўйича барча депозит муассасалари, шу жумладан ФРТга аъзо булмаганлари ҳам заҳира ҳисоварақларини депозитлар бўйича ўзининг мажбуриятларининг мутаносиблик таксимоти бўйича ўз худудидаги федерал заҳира банкида сақлашга мажбур.

Сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган қимматбаҳо қоғозлар банк инвестицияларига киритилган. Бу қимматбаҳо қоғозлар ликвидли активларнинг кайта заҳирасига киритилмайди, ФРТдан кредит олишга гаров сифатида фойдаланиш мумкин.

АҚШ конунчилиги тижорат банкларига номалиявий компанияларининг акцияларини сотиб олишни тақиқлаган, ҳамда саноат облигациялари бўйича чеклов ўрнатган, кейинги вақтларгача банк инвестицион портфелининг 90 %ини 2 тоифадаги қимматли қоғозлар ташкил қилган:

- федерал ҳукумати ва федерал агентлиги мажбуриятлари (70% тартибида).

- штат ва маҳалий ҳукумат органларининг қимматбаҳо қоғозлари.

Федерал ҳукумат қарзларини ёпиш тахминан қисқа муддатли ғазначилик векселларидан тузилган. Бу векселлар 3, 6, 9, 12 ой муддат билан чиқарилган ва асосан банклар ликвидлигини таъминлаш учун хизмат қилган. Банк портфелидаги ҳукумат қимматли қоғозларининг катта қисмининг муддати 1-5 йилгачани ташкил этади. Федерал ҳукумат қимматли қоғозларнинг бирламчи жойлаштирилиши аукцион савдоси орқали, иккинчи муаммоласи эса давлат мажбуриятлари олди – сотдиси ихтисослаштирилган диллерлик фирмалари орқали биржадан ташқари бозорда сотилади.

Бирламчи, ёки вакил диллерлар ўртасида 12 та йирик банклари бор (банк оф Америка, Сити банк ва бошқалар). АҚШда қимматли қоғозлар ишлаб чиқарувчи қатор федерал ҳукумат муассасалари (агентликлар) мавжуд. Булар тўғридан тўғри расмиятчилик мажбуриятларига тегишли эмас лекин ҳукумат томонидан кафолатланган ва назоратга солинган ҳамда тартибга солиб турилади.

Бундай муассасаларга мисол учун давлат миллий ипотека ассотцияси, федерал уй-жой маъмурияти, кишлок хужалик кредит маъмурияти ва бошқалар киради. Федерал агентлиги қимматли қоғозлари банклар утиш мажбуриятлари деб аталувчи тури бўйича сотиб оладилар. Булар ҳукуматнинг тўғри мажбуриятларига кура кўпроқ даромад олиб келади ва бир вақтда ишоналик ликвидлидир.

Штат хокимияти ва маҳаллий органлар ҳар хил жамоатчилик лойихаларини молиялаштириш учун муниципал қимматбаҳо қоғозларини ишлаб чиқарадилар. Булар федерал қимматбаҳо қоғозларига Караганда таваккалчилиги юқориир, шунинг учун фоизи юқори ва федерал даромад солигига тортилмайди.

Бошқа қимматбаҳо қоғозлар.

Банклар хусусий корпорацияларининг облигацияларини туланмаганлик таваккалчилиги тасдиқланган холларда ҳам сотиб оладилар. Банк портфелида буларнинг салмоғи юқори булмаган атиги 3-5% ни ташкил этади.

Барча ривожланган хорижий давлатларда кредитлаш билан боғлиқ операциялар банк актив операцияларининг асосий тури бўлиб келмоқда. Масалан 80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида АҚШ тижорат банкларининг кредитлаш операциялари уларнинг актив операцияларининг 60 фоизини ташкил килди. Бу кўрсаткич Францияда -65,6 фоизни, ГФР да -53,0 фоизни, Италияда -48,7 фоизни, Голландияда -47,1 фоизни, Данияда -56,0 фоизни, Испанияда -66,4 фоизни, Англияда -63,5 фоизни ташкил килди.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиётида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Банк актив операцияларининг кейинги тури банкларнинг қимматли қоғозларга қилган қўйилмаларидир. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар Франция тижорат банкларида 16,17 фоиз, Германияда 15,5 фоиз, Италияда 23,82 фоиз, Буюк Британияда 7,75 фоиз, Испанияда 23,87 фоиз, АҚШда 2,15 фоиз, Бельгияда 6,4 фоиз, Японияда 10,15 фоизни ташкил қилади. Демак, қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг юқори салмоғи Испания ва Италияда кузатилади. Нисбатан жуда паст салмоғ Бельгия, Буюк Британия тижорат банкларига ҳосдир.

Хукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган қўйилмаларнинг банк активлари умумий ҳажмидаги салмоғи Испания тижорат банкларида 10,15 фоиз, Франция тижорат банкларида 9,44 фоиз, Италия тижорат банкларида 5,34 фоиз, АҚШ тижорат банкларида 18 % ни ташкил этади. Векселлар билан боғлиқ операцияларнинг юқори салмоғи Испания (12,78 %), Италия (5,87%), Бельгия (4,70%) тижорат банкларида кузатилади. Хиссали иштирок шаклидаги инвестицияларнинг банк активлари ҳажмидаги юқори салмоғи Германия тижорат банкларида кузатилади (4,03%).

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида хукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган банк инвестицияларини юқори салмоғига эга эканлигининг асосий сабаблари, фикримизча, қуйидагилардан иборатдир:

а) хукуматнинг қимматли қоғозлари юқори ликвидлилик хусусиятига эга. Тижорат банклари ликвидлиликни таъминлаш мақсадида ҳам хукуматнинг қимматли қоғозларини ҳарид қиладилар;

б) хукуматнинг қимматли қоғозлари катъий белгиланган фоизда банкка даромад келтиради. Демак, улар банкнинг фоизли даромадлари ҳажмини ошириш имконини беради, бу эса, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шартидир.

в) ҳукуматнинг қимматли қоғозлари йирик миқдорда эмиссия қилинган. Масалан, АҚШ, Германия давлатларида қимматли қоғозларни эмитентлари таркибида ҳукумат эмиссия миқдорига кура биринчи уринни эгаллайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳукуматнинг қимматли қоғозларини сотишдан олинган тушум Давлат бюджети ҳаражатларини молиялаштиришнинг ноинфляцион усули ҳисобланади.

Юқоридаги маълумотлардан кўринадикки, ривожланган хорижий давлатларнинг тижорат банклари қимматли қоғозлар портфелида векселлар билан боғлиқ активлар юқори салмокни эгаллайди. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, тижорат векселлари индоссамент оркали бир субъектдан иккинчи субъектга узатилиш хусусиятига эга. Бу эса уларни тўлов воситаси сифатидаги ролини ошишига олиб келади. Иккинчидан, тижорат банклари векселни ўзларида дисконт ставкаси бўйича ҳисобга олиш йўли билан реал даромад оладилар. Бундан ташқари, тижорат банклари ҳисобга олинган векселларни Марказий банкка қайта ҳисобга олдириш йўли билан Марказий банк кредитларини олиш имконига эга бўладилар.

Хиссали иштирок шаклидаги банк инвестициялари Германия ва Япония тижорат банкларининг амалиётида кенг ривожланган. Ушбу мамлакатларнинг тижорат банклари мижозларининг устав капиталида иштирок этиш йули билан улар фаолиятини бошқариш жараёнларига таъсир этишни ўз фаолиятларининг устивор йўналишларидан бири деб ҳисоблайдилар. Айни вақтда шуни эътироф этиш лозимки, инвестициялар ичида риск даражаси энг юқори бўлган инвестиция шакли хиссали иштирок шаклидаги инвестиция ҳисобланади. Чунки оддий акцияларга дивиденд соф фойда ҳисобидан тўланади. Соф фойда эса барча ҳаражатлар молиялаштирилгандан сўнг хосил бўлади.

## Хулоса

Тижорат банкларининг ресурс базаларини такомиллаштириш ва аҳоли бўш пул маблағларини банклар томонидан жалб қилиш йўллари банк ресурслари мавзусида олиб борилган илмий изланишлар натижасида қуйидаги хулосавий фикр ва тавсияларни билдирилишини мақсадга мувофиқ деб топдик.

- Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини муддатлари бўйича диверсификация қилиш орқали бошқаришни чуқурроқ такомиллаштириш, яъни тижорат банклари ўзларининг молиявий ресурсларини бошқариш жараёнида, уларни даромат келтирувчи активларга, жалб қилинган муддатларни эътиборга олган ҳолда жойлаштирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки ресурсларни бошқаришда ушбу омилга эътибор қаратилиши банкнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида бажаришига имконият яратади.
- Банк ресурсларни активларга жойлаштириш имкониятига қараб жалб қилиши зарур чунки айрим банклар ресурсларни кўп миқдорда ва юқори фоиз ставкада жалб қилиш натижасида уларни активларга жойлаштиришга улгурмайдилар. Бунинг натижасида банк зарар кўриш эҳтимолидан ҳоли бўлмайди. Шунинг учун тижорат банкларининг даромад олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида мажбурий заҳира талабларини камайтириш зарур. Мажбурий заҳира талабларининг камайтирилиши банкларнинг ўзларида кўпроқ ресурс қолишига шароит яратилади ва даромат келтирувчи активларга жойлаштириш имкониятини беради.
- Диверсификациялаш даражасини аниқлашда, депозитларни геометрик ва тармоқ белгилари бўйича тақсимланиш мезонлари, уларнинг миқдорлари ва турларини жалб этиш муддатлари ҳамда тижорат банклари кредит портфелларини таҳлил қилиш вақтида

қўлланиладиган ссудалар таснифига ўхшаш бир нечта бошқа белгилардан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир. Акс ҳолда, берилган кредит ресурслари билан таъминланмай қолиши мумкин. Бу эса пул муомаласини барқарорлаштиришда ўзининг салбий таъсирининг кўрсатади. Шунинг учун тижорат банклари банк ресурсларини ташкил қилишда активларни пассивлар билан тўлиқ таъминлаб туриши зарурдир.

- Тижорат банклари ресурслари ликвидлигининг самарадорлигини ошириш учун, ликвидликни бошқаришда актив ва пассивларни бошқариш стратегиясидан фойдаланган ҳолда ўзининг актив ва пассивларининг шакиллантириши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун, банкнинг активларида даромад келтирувчи ва юқори ликвидликка эга бўлган қимматли қоғозлар салмоғини ошириб бориши, ҳамда қарз мажбуриятларини ўзига жалб қилган ҳолда пассивлари шакиллантирилса, бундай ҳолат банк фаолиятида ликвидлик, даромадлилик ва таваккалчилик ўртасидаги энг оптимал нисбатни сақлаб туриш имкониятини яратади.
- Бизга яхши маълумки, банк активларининг барчаси риск билан боғлиқдир. Шунинг учун ушбу риск даражаларини ўз вақтида аниқлаш ва уларни меёрда сақланишини тامينлаш талаб этилади. Банк активларининг таркибини ўрганиш натижасига қараб, бозор муносабатларида учрайдиган турли хил таваккалчиликларни эътиборга олиш лозим.
- Банк фаолиятининг ривожланишидан яхши маълумки, банк активлари даромадлилиги ва ликвидлиги бир-бирига қарама – қарши кўрсаткичлардир. Ликвид активлар ва пассивлар мувозанати, банкнинг жойлаштирилган активлари ва жалб қилинган ресурслари муддатлари мувофиқлиги даражасига кўра белгиланади. Активларни қайтариш ва мажбурият ўртасидаги муддат номувофиқлиги

ликвидлик таваккалчилигини асосий манбасидир. Шунинг учун тижорат банклари ликвидлиги ва даромадлигининг энг мақбул ёки мос даражасини аниқлашлари зарур. Бунга эришиш учун банк активларини самарали бошқариш катта аҳамиятга эга.

Бозор муносабатларида банklar учун активларни бошқариш асосий ва долзарб вазифалардан ҳисобланиб келмоқда. Шунинг учун, Тижорат банклари молиявий жиҳатдан активларни бошқаришнинг асосий мақсадлари ҳисобланган банк ликвидлигининг ошириш, банк даромадини ошириш ва таваккалчиликларини камайтириш масалаларига эътибор қаратиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

**I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т.: „Ўзбекистон“, 2002.
2. Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик Кодекиси, 1995 йил 25 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг „Марказий банки тўғрисида“ ги Қонуни. Т.: „Ўзбекистон“. 1995.
4. Ўзбекистон Республикасининг „Банклар ва банк фаолияти тўғрисида“ ги Қонуни. Т.: „Ўзбекистон“ 1996.
5. Ўзбекистон Республикасининг „Банк сири тўғрисида“ ги Қонуни. Т. „Адолат“ 2003 й.
6. Ўзбекистон Республикасининг „Лизинг тўғрисида“ ги Қонуни. 1999 йил 14 апрел .
7. Ўзбекистон Республикасининг „Ипотека тўғрисида“ ги Қонуни. Т. „Ўзбекистон“ 2006.
8. Ўзбекистон Республикасининг „Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида“ ги Қонуни 05.04.2002 й.Н: 360 – 11.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги „2011-2015 йиллардаги республика молия – банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқоро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ ги. ПҚ-1438-сонли Қарори. „Халқ сўзи“ газетаси. 2010 йил. 27 ноябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ ги Қарори. 2007 йил 7 ноябр, ПҚ-726. „Халқ



сўзи’’ газетаси.08.11.2007 йил.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 25 майдаги ПҚ-148-сонли тасдиқланган намунавий лойихалар бўйича яқка тартибдаги уй- жой қурилиши учун „Қишлоқ қурилиш банк’’ аксиядорлик тижорат банкитомонидан имтиёзли кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари 1 тўплами,2009 йил 22 сон,259- модда.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Қарори.2008 йил.11 январ.Н: ПҚ-775. „Халқ сўзи’’ газетаси.12.01.2008 й.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „ Нақд пул маблағларини жалб қилиш ва унга бўлган эҳтиёжни таъминлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Қарори.2008 йил. 27 март Н: ПҚ-822. „Халқ сўзи’’ газетаси.28.03.2008 йил.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „ Банк пластик карточкаларидан фойдаланилган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Қарори.2010 йил. 19 апрел. Н: ПҚ-1325 „Халқ сўзи’’ газетаси.20.04.2010 йил.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „ Банк тизимини янага ислоҳ қилиш ва эркинлаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Қарори „Халқ сўзи’’ газетаси.15.04.2005 йил.

16. „Ипотека кредити беришни қўллаб қувватлаш жамғармаси фаолиятининг ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. 16.02.2005 йил . Н: ПҚ-69 „Халқ сўзи’’ газетаси.17.02.2005 йил.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги ПҚ-1317- сонли „Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш

ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сонли „Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Фармони.- Ўзбекистон молия қонунчилиги.-Тошкент:Агрохарита,2007.Н: 6-40-43.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Лизинг тизими ривожланишини янада рағбатлантириш бўйича чара - тадбирлари тўғрисида’’ги Фармони .2002 йил, август. .

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салохиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида’’ги Фармони.2008 йил 28 ноябр,Н:ПФ-4058 „Халқ сўзи’’ газетаси.29.11.2008йил.

21. „Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида’’ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 18.05.2007 йил . „Халқ сўзи’’ газетаси.19.05.2007 йил.

22. Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Т: „Ўзбекистон’’ - 2011 й

23. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Т: „Ўзбекистон’’ - 2011 й

24. Ўзбекистон Республикасининг банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Т: „Ўзбекистон’’- 2011

25. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг „Тижорат банкларида лизинг операцияларининг амалга ошириш ва уларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида” ги Низом . 2006 йил, 21 октябр.
26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: „Ўзбекистон” - 2009 . – 56 б.
27. Каримов И.А. „Асосий вазифамиз - Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Т.: „Ўзбекистон” - 2010.
28. Каримов И.А. „Банк тизими, пуи муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида”. – Т.: „Ўзбекистон” - 2011.- 528 б.
29. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари. – асарини ўганиш бўйича ўқув қўлланма. Ходиев Б.Ю. ба бошқалар. Т.: „Иқтисодий” – 2009
30. Каримов И.А. 2012 йил ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Тошкент, Ўзбекистон. 2012 . – 36 б.
31. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Ваазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

## **II. Асосий ва қўшимча адабиётлар.**

1. Абдуллаева Ш.З. „Банк иши” ўқув қўлланма. Т. „Молия” 2003 й.
2. Абдуллаева Ш.З. , Сафарова З.Б., „Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш” . Т: „Иқтисод-Молия” . 2007 й. -200 б.
3. Абдуллаева Ш.З. , Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д., „Банк ресурслари ва уларни бошқариш” . Монография./ - Т.: „Иқтисод-Молия” . 2009 й. -104 б.
4. Абдуллаева Ш.З., „Халқаро валюта – кредит муносабатлари” . Дарслик. – Б.М.: Т.: „Иқтисод-Молия” , 2006 й. 576 б.

5. Абдуллаева Ш. З., Наврўзова К.Н., „Банк ҳисоби” . Тошкент . 2007.
6. Набиев.Э.Ғ, Марпатов М.Д. „Лизинг ғояси, тарихи, ҳуқуқий асослари ва амалиёти”. Ўқув қўлланма .Тошкент. 2004.
7. Лаврушин О.И. Банковский дело: учебник. 2-е изд. Перераб.и доп./ О.И.Лаврушина. – М.: Финансиъ И статистистика, 2008. -594 с.
8. Ғозибеков Д.Ғ., „Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти” . „Фан ва технолигия” -2004.
9. Ходжаев Р. ,Эгамбердиев А., „Кичик бизнес ва тадбиркорлик”. Ўқув қўлланма Тошкент.- „Иқтисод- Молия” 2008 й.108 б

### **III. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

1. Муллажонов Ф.М. Пул – кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетарий сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. „Бозор, пул ва кредит” журнали 2012 й Н: -1
2. Муллажонов Ф.М. Ўзбекистон банк тизими: Барқарор ривожланиш, халқаро мезонларга эришиш йўлида. „Бозор, пул ва кредит” журнали 2013 й. Н: -1
3. „Бозор, пул ва кредит” Журнали 2010- 2013 йиллар  
„Банк ахборотномаси” газетаси 2010-2013 йиллар
4. АТИБ „Микрокредит банк” нинг йиллик ҳисоботи, 2012 йил
5. ОАТБ „Ўзсаноатқурилишбанк” нинг Сергили филиали йиллик ҳисобот маълумотлари, 2011-2012 йил
6. ОАТБ “ Микрокредитбанк” нинг Бухоро Вилояти Когон филиалини йиллик ҳисобот маълумотлари, 2011-2012 йил

### **IV. Интернет сайтлари:**

www.stat.uz

[www.uzpsb.uz](http://www.uzpsb.uz)

www.cbu.uz

